

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**«МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ» ФАНИДАН  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Самарқанд - 2012**

**Тузувчи:**

**проф. Йўлдошев Б.**

**Кафедра мудири:**

**ф.ф.д.Абдусаидов А.**

“Матн тилшунослиги” (ўзбек ёзма матнининг тараққиёт босқичлари) деб номланувчи ўқув фани тилшунослик бўйича магистр тайёрлашда мутахассислик фанлари блокининг марказий бўғинидан ўрин олганлиги сабабли бўйича бошқа лингвистик фанлар (“Тилшуносликнинг назарий масалалари”, “Систем тилшунослик назарияси”, “Ўзбек тили лексикологиясининг назарий асослари”, “Ареал тилшунослик”, “Амалий тилшунослик”, “Лингвистик структуралар”, “Тил курилишининг асосий бирликлари”, “Этимология ва этимологик таҳлил тамойиллари”, “Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши ва функционал-прагматик хусусиятлари”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” кабилар)даги илмий талқинлар, терминлар, таҳлил усули, масалаларнинг ечимидағи ёндошувлар мазкур ўқув фанига мувофиқ келиши зарур. Бу фан умумметодологик фанлар блокининг “Фанларнинг фалсафий масалалари”, “Илмий ижодиёт методологияси”, “Махсус фанлар ўқитиш методикаси” каби фанлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

“Матн тилшунослиги” бўйича белгиланган ўқув соатлари тўла ўтилгандан кейин магистрлар жорий ва якуний назорат торширадилар. Улар фаннинг бу соҳалари бўйича маъруза тинглаш билан бирга, амалий машғулотларда тавсия этилган адабиётларни ўқиш жараённида эгаллаган билимларини намойиш этишлари лозим. Мустақил ишда эса белгиланган мавзулар бўйича тайёрланадилар ва матнни шакллантириш, уни таҳrir қилиш, ихчамлаштириш муаммолари билан кўпроқ компьютерда шуғулланадилар. Интернетдан “Матн тилшунослиги” фани бўйича (“Лингвистика текста”, “Интерпретация текста”, “Автоматическая обработка текста” каби) янги илмий-назарий адабиётларни топадилар, уларнинг асосий қисмини ўқиб ўзлаштирадилар. Бу фан бўйича мустақил ишлар ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида магистр томонидан мустақил равишда бажарилади. Бунда янги матн ҳосил қилиш, матннинг компонентларини аниқлаш, матн таркибидаги диалогик ва монологик нутқ кўринишларининг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш, матннинг концепт, сценарий, скрипт, фрейм, гешталт сингари когнитив ҳодисалар билан муносабатини фарқлай билиш, матн таркибидаги дискурснинг ўрни топиш, дейттик ибораларнинг матнни шакллантиришдаги иштирокини аниқлаш сингари мустақил ишлар назарда тутилади. Магистр “Матн тилшунослиги” фанидан бажарилган мустақил иш бўйича реферат тайёрлайди ҳамда ёзган рефератини магистрлар билан ўтказилган йиғилишда ҳимоя қиласи, шундан кейин унга шу фан бўйича бажарган мустақил иши учун баҳо қўйилади.

Фаннинг номи: Матн тилшунослиги

Йўналиш: 5A 220102 магистр

Курс 1, ўқув семестри 1

Жами аудитория соати – 80

Маъруза – 32 соат

Амалий – 24 соат

Семинар – 24 соат

Мустақил таълим – 70 соат

1-маъруза

**МАТН ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА  
ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА**

*Таянч сўз ва иборалар:* матн, матн турлари, дихотомия, матннинг реал қўлланиши, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, матннинг маҳсус қўлланиши, нутқий муҳит, матн стилистикаси, матн компонентларининг боғланиши, матн нутқ бирлиги сифатида, матн коммуникатив бирлик сифатида, матннинг прагматик хусусияти, матнда инсон омили, матннинг реаллашуvida замон ва макон таъсири.

Тилшунослик фани бугунги кунга қадар улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу ҳолат тилнинг фонологик, морфологик, синтактик сатҳларининг ҳар бири билан боғлиқ муаммолар талқинида яққол кўзга ташланади. Лекин жаҳон тилшунослигига матн ва унинг лисоний табиатини ўрганиш борасида амалга оширилаётган тадқиқотлар кейинги ўттиз-қирқ йил давомида кун тартибига қўйила бошлади. Бу нарса алоҳида олинган рус, украин, француз, немис, инглиз тилшунослиги каби бир неча хусусий тилшуносликлар учунгина эмас, балки умумназарий тилшунослик учун ҳам характерлидир.

Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишни нимадан бошламоқ керак ва бунда қандай масалаларга асосий эътибор қаратилиши лозим, деган саволларга ҳам ҳозирги вақтда тилшуносларнинг бераётган жавоблари бир-бирига унчалик мувофиқ келмайди. Масалан, матннинг нутқ категорияси эканлигини далилловчи олимлар унинг белгилик табиати нималардан иборат, матнни нутқий жараён деб аташ лозимми ёки уни нутқий жараённинг натижаси сифатида талқин этиш керакми, матнни оғзаки нутқ билан ёки ёзма нутқ билан боғлаб ўрганиш тўғри бўладими, деган муаммоларни кун тартибига қўймоқдалар.

Матннинг нутқ категорияси эканлиги масаласи бевосита “нутқий жараённинг ўзи” ва “нутқий фаолият натижаси” тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Чех олими К.Гаузенблаз матнни ҳам нутқий фаолият маҳсули сифатида, ҳам нутқий фаолият натижаси тарзида ҳам талқин этади. Бунда ёзма нутқ нутқий фаолият маҳсули сифатида, оғзаки нутқ (шу жумладан унинг магнит тасмасидаги ифодаси ҳам) нутқий жараён деб талқин қилинади<sup>1</sup>.

Рус тилшуноси И.Р.Галпериннинг талқинига кўра, матн ҳар томонлама мукаммал ҳолатга келтирилган ёзма нутқ маҳсулидир. Оғзаки нутқ эса турли қайтариқларни, узук-юлуқ гапларни ҳам ўз ичига олади ва шунинг учун уни текшириш обьекти бўла оладиган матн деб эътироф этиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Гаузенблаз К. О характеристике и классификации речевых произведений // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 58-59.

<sup>2</sup> Гальперин И.Р. О понятии “текст”// Вопросы языкоznания, 1974, № 6. – С. 72.

Матн таҳлилини синтаксисда ёки стилистикада ўрганиш лозимми, ёхуд бунинг учун “матн тилшунослиги” деб аталувчи янги соҳани илмий асослаш керакми, деган саволлар ҳам фанда ўз ечимини кутмоқда. Дарҳақиқат, матн лингвистикаси масаласи талқин этила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Немис олими Р.Ҳарвегнинг таъкидлашига кўра, матн тилшунослигининг тўлиқ асосланиши учун ҳали камидা юз йил керак<sup>3</sup>.

Тилшуносликнинг гап синтаксиси соҳаси ўтган асрнинг 60-йиллариға қадар лингвистик таҳлилнинг энг юқори поғонаси, деб ҳисобланар эди. Бу ўринда поляк олими М.Р.Майенованинг қуйидаги фикрини келтириш ҳам мумкин: “Яқин вақтларга қадар лингвистик қузатувлар гап шакли ніҳоясига етган ерда тугатилар, кўплаб гапларни ўз ичига оладиган матн эса мазкур илмий изланишлар доирасидан четда қолар эди”<sup>4</sup>.

Маълумки, гап тилнинг энг юқори поғонасини ташкил этувчи бирлик саналади. Аммо шуни унутмаслик керакки, нутқий жараёнда гап тилнинг кичик бирликлари жумласига киради. Шунга кўра гапни матннинг қурилиш материали тарзида талқин этиш, матнни шакллантирувчи асосий тил бирлиги деб ҳисоблаш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз. Немис тилшуноси М.Пфютце таъкидлаганидек, ҳар қандай матн бирор мақсад ифодаси учун ўзаро муносабатга киришаётган фраза (гап)ларнинг мазмунига кўра бирикишидан ташкил топади<sup>5</sup>.

Лекин гап матннинг қурилиш материали тарзида ююрида сингари талқин этилганда мустақил сўз ва сўз бирикмасининг матн тарзида маҳсус қўлланиши эътиборга олинмай қолади. Аслида эса якка, алоҳида олинган гап боғланишли нутқ материали сифатида матн таркибида сўз ва сўз бирикмаларининг ўзаро муносабати асосида реаллашади. М.Пфютценинг биз юқорида келтирган мулоҳазаларида ҳам асосий дикқат масаланинг ана шу томонига қаратилганлиги аён бўлади.

Таникли француз тилшуноси Р.Барт матнни қуйидагича тушунади: “Ички боғланишли бўлган, мулоқот мақсадида мазмунан ўзаро бириккан гаплардан ташкил топган нутқнинг ҳар қандай парчасини матн деб аташ мақсадга мувофик”<sup>6</sup>.

Умуман, Р.Бартнинг “Матн лингвистикаси” номли тадқиқоти (1970)да матннинг бир неча компонентли тури ҳақида маълумот берилади. Бу ўринда ҳам олимнинг асосий эътибори кичик, бир гапдан иборат матнга эмас, балки “ўзаро бириккан бир неча гаплардан ташкил топган нутқнинг ҳар қандай парчаси” - катта матнга қаратилганлиги аён бўлади. Бундай ҳолат бошқа таникли тилшунослар илмий фаолиятида ҳам кузатилади.

<sup>3</sup> **Ҳарвег Р.** Редуцированная речь // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 389.

<sup>4</sup> **Майенова М.Р.** Теория текста и традиционные проблемы поэтики // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 425.

<sup>5</sup> **Пфютце М.** Грамматика и лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 220.

<sup>6</sup> **Барт Р.** Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 443.

Масалан, поляк тилшуноси А.Богуславский матнни бир неча гапдан ташкил топган нутқий материал тарзида изохлади. Бунда у асосий эътиборни муаллиф нима ҳақда гапираётгани ва унинг мазмунига эмас, балки “ўзаро бириккан бир неча гаплардан иборат” матн қандай компонентлардан тузилганлигини аниқлашга қаратади.

Амстердам университетининг профессори Т.ван Дейк матн ва унинг ўзига хос табиатини прагматика билан боғлаб ўрганади. Унинг тадқиқотларида асосий эътибор матннинг коммуникатив-прагматик хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган эди<sup>7</sup>. Т.ван Дейк матннинг грамматик жиҳатларини дастлаб логик ва аналитик фалсафа қоидалари билан боғлаб ўрганишга ҳаракат қилган эди, кейинчалик у матн семантикаси масалалари билан жиддий шуғуллана бошлади.

Т.ван Дейкнинг матн семантикасига жиддий эътибор билан қарашига Калифорния университети профессорлари Лакофф ҳамда Филморларнинг таъсири катта бўлган. Т.ван Дейк ўз тадқиқотлари давомида матн фақат гапларнинг ўзаро боғланишидан эмас, балки нутқий актларнинг ҳам ўзаро муносабатидан ташкил топади, деган ҳаққоний холосага келади.

Матн ва унинг лингвистик табиати ҳақида чех тилшуноси Квета Кожевникованинг мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. Бу олиманинг тадқиқотларида асосий эътибор матннинг боғланишли нутқ маҳсули эканлиги, боғланишли нутқнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга қаратилган эди.

Шуниси эътиборлики, К.Кожевникова матн ҳақида мулоҳаза юритганида, унинг мазмуний жиҳатдан тугалланган бўлишини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Олиманинг матн компонентлари ўзаро маъно жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам боғланишли бўлиши ҳақидаги фикри эътиборга моликдир, чунки кўпчилик тилшунослар матн компонентларининг фақат мазмуний жиҳатдан боғланишли бўлишини таъкидлайдилар ва матннинг лексик-грамматик воситалар орқали боғланишини бироз назардан четда қолдирадилар.

К.Кожевникова ўз ишларида матнни тилнинг мазмуний жиҳатдан тугалланган энг юқори идеал коммуникатив бирлиги сифатида тушунади. Бу ўринда матннинг гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац, боб сингари тил бирликлари муносабатидан ташкил топган нутқ ёки тил бирлиги тарзида изохлаш мақсадга уччалик номувофиқ эканлиги кўзга ташланади. Бунинг сабаби шундаки, баъзи тилшунослар, масалан, таниқли рус психолингвисти А.А.Леонтьевнинг фикрича, “матн функционал жиҳатдан тугалланган нутқ бирлиги” саналади<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Ван Дейк. Т. Вопросы прагматики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 259-334.

<sup>8</sup> Леонтьев А.А. Высказывание как предмет лингвистики, психолингвистики и теории коммуникации // Синтаксис текста. - М.: Наука, 1979. – С. 18-36.

Матнни нутқ бирлиги деб тушуниш хато эмас, чунки матнни коммуникатив бирлик деганда, биз мuloқот бирлигини тушунамиз, ҳар вандай мuloқот эса, ўз навбатида, нутқ жараёнида шаклланади.

Чех тилшуноси Ян Корженский матн талқинини *семантик ва прагматик компонент* тушунчалари билан боғлаб олиб боради. Бунда у семантик компонент биринчи галда матн материалини уюштирувчи маъно базаси ҳамда унинг воқеланишини таъминловчи воситалардан иборат, деб ҳисоблади. Олим матннинг семантик компоненти жумласига сўзловчини, яъни инсон омилини ҳам киритади. Матннинг прагматик компоненти дейилганда эса, маъно ифодаси системасида муҳим аҳамият касб этувчи турли хил муносабатлар инобатга олинади. Масалан, бу жиҳатдан ўзбек тилидаги *мен, сен, у, биз, сиз, улар* каби кишилик олмошларини матннинг прагматик воситалари жумласига киритиш мумкин. Кўрсатиш ва сўроқ олмошлари эса, кишилик олмошларидан фарқли равища, семантик воситалар, ёхуд матннинг семантик компонентлари сирасига киради. Чунки улар шахс (актант)лар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Кишилик олмошлари эса матн таркибида бажарувчи шахс (актант) вазифасида келади.

Бундан ташқари, матн таркибидаги макон ва замон тушунчасини ифодаловчи бирликларни ҳам ўша матннинг прагматик, ёхуд семантик компоненти жумласига киритиш мумкин. Масалан, *олдин, аввал, кейин, сўнг* каби йўғалиш ёки томонни сўзлар сўзловчининг пайт, замон кординатлари билан боғлиқ бўлгани учун матннинг семантик компонентлари саналса, *у ерда, шу ерда, у ёқقا* каби макон маъноси билан боғлиқ сўзлар матннинг прагматик компонентлардир.

Я.Корженский ўз тадқиқотларида прагматик компонент семантик ва матн компонентлари оралиғида воқеланишини таъкидлади. Бунда матн компоненти мақомида тилнинг товушлар системаси реал қўлланилиши мумкин ҳамда улар график белгилар учун макон бўлиб хизмат қиласди. Умуман, Я.Корженский талқинига кўра, жумла (гап) матн компоненти саналувчи асосий восита саналади<sup>9</sup>.

Бизнингча, Ян Корженский *семантик* ҳамда *прагматик компонент* тушунчаларини кўп ўринларда қоришириб юборган кўринади ва натижада тадқиқотчи маълум бир тушунчани семантик ёки прагматик компонентларнинг қайси бири таркибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлишини аниқлашда қийналади. Масалан, нутқ жараёнида иштирок этувчи сўзловчи ҳамда тингловчи шахсни бемалол ва қатъий равища прагматик компонентлар сирасига киритиш мумкин. Бироқ Ян Корженский нутқ жараёнидаги инсон (шахс) омилини семантик компонент жумласига киритиш кераклигини таъкидлади. Умуман олганда, матннинг мазмуний салмоғи бутунлиги ва тугал ҳолатда эканлиги таъкидланар экан,

<sup>9</sup> Корженский Я. Прагматический компонент и теория текста // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979. – С. 68-78.

ўша матннинг семантик компоненти дейилганда унинг аниқ чегарасини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, матн таркибида мавжуд бўлган морфологик воситаларнинг бирини матн компоненти деб, иккинчисини эса семантик компонент деб ажратиб ўрганиш ҳам ўзини унчалик оқламайди. Зотан, уларнинг барчаси ҳам матн компонентларидир. Матн компонентларининг семантик ёки синтактик жиҳатлари ҳақида сўз юритилганда, уларнинг ҳар бирини ё семантик, ёхуд синтактик режага қўра ўрганиш ўз-ўзидан талаб қилинади.

Немис тилшуноси К.Э.Хайдольфнинг матн хусусидаги фикри ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. У матнни коммуникатив жараёнда гапларнинг маълум хабар ифодасини бериш учун ўзаро боғланиши тарзида тушунади. Олимнинг фикрича, матн таркибида гапларнинг тартиб билан ўзаро боғланиб келишида қўйидагилар эътиборга олинмоғи даркор: а) фикр бутунлиги; б) лексик бутунлик; в) коммуникатив бутунлик; г) замон ва нуқтаи назар бутунликлари<sup>10</sup>.

Бу ўринда, К.Э.Хайдольф мулоҳазаларига қўшилиш мумкин, чунки матннинг яхлит коммуникатив бутунлигини таъминлаш учун тугал фикр ифодасининг бўлиши, гапларнинг ўзаро муносабатини семантик ва синтактик жиҳатлардан ташкил эта оладиган лексик воситаларнинг, фикр ифодасининг замон нуқтаи назаридан бекаму кўстлиги таъминланган бўлиши энг асосий шартлардан бири саналади.

Кейинги ўттиз-қирқ йил давомида рус тилшунослигига ҳам матн лингвистикаси бўйича бир қатор салмоқли тадқиқот ишлари бажарилди. Мазкур мавзууда А.А.Леонтьев, Ю.В.Рождественский, Г.А.Золотова, М.В.Ляпон, М.А.Леоненко, Р.А.Будагов, Е.А.Реферовская, Г.Я.Солганик ва бошқа тилшуносларнинг ишлари эълон қилинган. Қўйида ана шундай ишларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

1974 йилда М.Торез номидаги Москва давлат чет тиллар педагогика институтида “Матн лингвистикаси” мавзууда йирик илмий анжуман ўтказилди ва унинг материаллари икки қисмда нашр этилди<sup>11</sup>. Бу материаллар ўз навбатида матн тилшунослиги муаммоларининг янада кенгроқ тадқиқ этилиши учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Е.А.Реферовскаянинг фикрига кўра, ҳозирги пайтгача матн структураси масалалари тилшунослиқда мураккаб синтактик қурилма материали сифатида ўрганиб келинди. Бунинг сабабини мураккаб синтактик қурилма бир неча гапдан ташкил топиб, ўзи якка ҳолда мустақил матн мақомида ҳам келиши мумкинлиги билан изоҳласа бўлади. Ҳозирги даврга қадар матн лингвистикаси бўйича, асосан, масаланинг умумий жиҳатлари, тадқиқот методлари ҳақида билдирилаётган фикр ва

<sup>10</sup> Хайдольф К.Э. Контекстные отношения между предложениями в генеративной грамматике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 208-217.

<sup>11</sup> Лингвистика текста (материалы научной конференции). Часть 1. – М.: 1974. – 230 с.; Лингвистика текста (материалы научной конференции). Часть II. – М.: 1974. – 212 с.

мулоҳазалар ҳам мураккаб синтактик қурилма материаларига асосланмоқда. Матн тилшунослигининг бошқа масалалари тадқиқи, олиманинг таъкидлашича, ҳали ўз ечимини кутмоқда<sup>12</sup>. Кейинчалик Е.А.Реферовская матннинг коммуникатив структурасини лексик-грамматик аспектда тадқиқ этиб, монография эълон қилди. Бу ишнинг дастлабки боби матннинг лисоний структураси, мураккаб синтактик қурилманинг матн ва абзац билан муносабати масалаларини ўрганишга бағишланган эди<sup>13</sup>.

Яна бир рус олими М.В.Ляпон ҳам матн тилшунослиги муаммоларини мураккаб синтактик қурилмалар асосида талқин этишга интилади. Унинг фикрича, матн тавсифи қўйидаги тўрт тамойилга асосланиши мумкин:

1. Матн – бу жумлаларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқувчи хабардир. Матн тадқиқотчи учун тил ҳодисаларини ўрганишда бирдан-бир манба бўлиб хизмат қиласади.

2. Матн – бу сўзловчининг нутқий қобилиятини рўёбга чиқарувчи воситадир. Бу жараёнда матн тилнинг нутқда реал қўлланилишини таъминловчи макон вазифасини ҳам бажариб келади.

3. Матн – бу сўзловчининг фаол нутқий фаолияти маҳсулидир.

4. Матн – бу тил системасининг коммуникатив жараёнда муҳим функция бажарувчи энг юқори поғонасидир.

М.В.Ляпон матннинг шаклланишида инсон омили энг муҳим факторлардан бири эканлигини, инсон матн шаклланиши учун жонли манба бўлиб хизмат қилишини ҳам тўғри таъкидлайди. “Инсон омили, - дейди у, - ҳозирги замон тилшунослигининг диққат марказида бўлиб, “прагматика – семантика – синтаксика” дастурининг ҳаётга тадбиқ этилишида муҳим мавқега эгадир”,<sup>14</sup>.

В.Г.Гак талқинига кўра, матн таҳлилига “прагматик нуқтаи назардан ёндашиш тил бирликлари талқини учун анъанавий тилшуносликда эътибордан четда қолган кўпгина истиқболли йўлларни очади”<sup>15</sup>.

1978 йилда нашр этилган “Чет эл тилшунослигига янгиликлар” номли илмий тўпламнинг УШ-чиқиши матн лингвистикаси масалаларига бағишланган эди. Ана шу йирик тўпламга Т.М.Николаева матн лингвистикасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари мавзуидаги катта кириш сўз ёзган<sup>16</sup>. Бу кириш сўзда матн лингвистикасининг чет элда ўрганилиш даражаси анча кенг ва чукур таҳлил қилинган. Шунингдек, Т.М.Николаева “Лингвистик энциклопедик луғат”да “Матн (текст)

<sup>12</sup> Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. – Л.: Наука, 1983. – С. 3-14.

<sup>13</sup> Реферовская Е.А. Коммуникативная структура текста. – Л.: Наука, 1989. – С. 5-64.

<sup>14</sup> Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. –М.: Наука, 1986. – С. 5-7.

<sup>15</sup> Гак В.Г. Прагматика, узус и грамматика речи // Иностранные языки в школе, 1982, № 5. – С. 13-14.

<sup>16</sup> Николаева Т.М. Лингвистика текста. Современное состояние и перспективы // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978. – С. 5-39.

лингвистикаси”, “Текст”, “Текст назарияси” номли илмий мақолалар билан иштирок этган<sup>17</sup>.

Г.Я.Солганик тадкиқотларида ҳозирги замон тилшунослигига синтаксис соҳасининг асосий вазифалари жумласига (сўз бирикмалари ва гапдан ташқари) мустақил гапларнинг ўзаро семантик муносабати, прозаик строфалар структураси, боб ва ҳатто бутун бир асарда матн шаклланишини ўрганиш каби масалалар ҳам киритилади. Шу билан бирга Г.Я.Солганик синтаксисда бу объектларнинг барчаси грамматик жиҳатдан талқин этилиб келинаётгани қониқарли эмаслиги, матн талқинида нафақат синтактик қоидалар, балки стилистик омиллар ҳам эътиборга олиниши лозимлигини алоҳида таъкидлайди<sup>18</sup>. Шунингдек, В.В.Одинцовнинг монографияси ҳам матн стилистикаси масалаларини кенг аспектда ўрганишга бағишлиланган эди<sup>19</sup>.

Лекин айрим тилшунос олимлар “матн лингвистикаси” атамасига бироз шубҳа билан муносабатда бўлдилар. Масалан, Р.А.Будаговнинг фикрича, “матн лингвистикаси” ривожланиши учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиши лозим: 1) ўз текшириш обьекти – матн (текст) мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб олиши, унинг доирасини ниҳоятда кенгайтириб юбормаслиги; 2) “кичик тил бирликлари” (айниқса, сўз)га нисбатан ўз муносабатини қайта кўриб чиқиши; 3) бошқа фанларнинг ўзаро муносабати орқали аниқланиши мумкин бўлган умумфалсафий муаммоларни ҳал этишдек мураккаб вазифаларни ўз зиммасига олмаслик; 4) тилшуносликка янгидан киритилаётган терминларга масъулият билан ёндошиш, уларни турли маъноларда қўлламаслик, бунда полисемияга йўл қўймаслик; 5) лисоний категорияларни нолисоний категориялардан аниқ фарқлаш... “Текст лингвистикаси”нинг келажаги ана шу сингари муаммоларнинг илмий жиҳатдан асосли ҳал қилинишига боғлиқдир<sup>20</sup>.

Умуман олганда, И.Р.Гальперин талқинидан келиб чиқиб, матнга қуйидагича таъриф бериш мумкин: “матн деб тугалланган, ёзма кўринишида воқелланган, сарлавҳа ва турли лексик, грамматик, мантикий, услубий муносабатлар асосида боғланган гапдан юқори бирликлардан таркиб топган ҳамда маълум бир мулоқот мақсади, прагматик режага эга бўлган нутқий ижод маҳсулига айтилади”<sup>21</sup>. Матн камида иккита асосий функцияни, яъни информация етказиш ва сақлаш ҳамда янги маъноларни шакллантириш вазифасини бажаради. Сўнгги йилларда олимлар (И.П.Смирнов, Н.А.Фатеева каби) матннинг учини, яъни хотира функуиасини ҳам бажаришини эътироф этмоқдалар. Шунга кўра матн

<sup>17</sup> Николаева Т.М. Лингвистика текста. Текст. Теория текста. // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.:, 1990. – С. 267-268; С. 507-508;

<sup>18</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика (сложное синтаксическое целое). – М.: Высшая школа, 1973. – С. 49-59.

<sup>19</sup> Одинцов В.В. Стилистика текста. – М.: Наука, 1980. – 264 с.

<sup>20</sup> Будагов Р.А. В какой мере «лингвистика текста» является лингвистикой? // Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 77-86.

<sup>21</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С. 18.

нафақат янги маъноларни ишлаб чиқадиган, шакллантирадиган манба, маданий хотиралар тўпланадиган, сақланадиган манба, деган хуросага келиш мумкин.

Шундай қилиб, жаҳон тилшунослигига матнни тадқиқ этиш бобида муайян ютуқларга эришилган. Бироқ туркий тилшуносликда, жумладан ўзбек тилшунослигига матн лингвистикаси муаммолари ҳали эндигина ўрганилмоқда.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Матн лингвистикаси муаммоларининг тилшуносликда ўрганилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот.
2. К.Гаузенблаз, Р.Харвег ва М.Майенова каби олимларнинг матн тилшунослигига доир қарашлари.
3. Матн тилшунослиги масалаларини ўрганишда М.Пфютце, Р.Барт, Т.ван Дейк каби олимларнинг ўрни.
- 4.К.Кожевникова, Я.Корженский ва К.Э.Хайдольфнинг матн тилшунослигига доир қарашлари ҳақида.
- 5.Е.А.Реферовская, А.А.Леонтьев, М.В.Ляпон, И.Р.Гальперин каби рус тилшунослярининг матн структураси ва компонентларини ўрганиш соҳасидаги қарашлари.
- 6.Матннинг умумназарий масалалари, унинг прагматикаси ва стилистикаси муаммолари тадқиқида В.Г.Гак, Т.М.Николаева, Г.Я.Солганик, Р.А.Будагов, В.В.Одинцов каби олимларнинг хизматлари.

## 2-3-маърузалар

### ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МАТН ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

*Таянч сўз ва иборалар:* матн, матнишунослик, когерент, прагматика, микроматн, макроматн, илмий матн, бадиий матн, коммуникатив нутқий бутунлик, нутқ генерацияси, матн когезияси, матн ретроспекцияси.

Маълумки, “матнишунослик” атамаси ўзида икки тушунчани ифода этади. Шулардан бири муайян матннинг танқидий текстларини яратиш мазмунини ифодаласа, иккинчисида матнга лингвистик тадқиқот обьекти сифатида қаралиб, бир фикрий бутунликни ифода этувчи гаплар, синтактик бутунликлар йифиндисини назарда тутади (ЎТИЛ-5, П, 557). “Матн” (текст) атамасига луғатларда қуйидагича таъриф берилган: 1. “Ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс еттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст” [ТТИЛ, 61]. 2. “Текст (лат. *texthus – тўқима, алоқа* сўзидан) – текст. Кўл ёзма ёки нашр этилган асарлардаги авторнинг асл сўзи” [АТРЎИЛ, 308]. Кўринадики, бу икки таърифда ҳам “матн” (текст)нинг асосий хусусиятлари очиб берилмаган.

Матн нутқнинг йирик кўриниши бўлиб, вазифаси жиҳатдан тугал нутқий бутунлик саналади. Матннинг мураккаблиги ва ҳажми, коммуникатив вазифаси, муайян жанр талабларига мослиги ва матн қисмларининг характеристери сингари масалалар кейинги 20-30 йилдан буён ўзбек тилшуносларининг ҳам диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ўз вақтида академик А.Н.Кононов мураккаб фикрни ифодалашда якка гапнинг ўзи кифоя қилмайди, уни бошқа гаплар қуршовида текшириш лозим, деган фикрни олға сурган эди. Кейинчалик ўзбек тили синтаксисига бағишлиланган тадқиқотларда гапдан йирик бирликларни ифодаловчи “мураккаб синтактик бутунлик”, “дискурс”, “микроматн”, “макроматн” сингари атамалар қўлланиладиган бўлди. Ш Бутуниттифоқ туркийшунослар анжуманида (Тошкент, 1980) акад.Ғ.Абдураҳмонов “Матн назарияси” мавзууда маъруза қилган эди. Ана шу маърузада таъкидланишича, маълум бир матн тузилишида фаоллашадиган синтактик муносабатлар мазмуний муносабатлар билан уйғунлашиб, ўзига хос синтактик-семантические хусусият касб этади. Ана шу сабабли матн мазмун ва шакл уйғунлигига эга бўлган лисоний қурилма бўлиб, унинг қисмлари (компонентлари)га ҳам маълум миқдорда синтактик ва мазмуний жиҳатдан мустақиллик белгилари характеристицидир<sup>22</sup>.

Маълумки, матнни муайян белги-хусусиятларга эга бўлган статик (турғун) обьект сифатида тадқиқ этиш уни бошқа аспектларда ўрганишга асло монелик қилмайди. Матннинг лисоний табиати, унинг тузилиши,

<sup>22</sup> Бу ҳақда қаранг: Ш Всесоюзная тюркологическая конференция // Сов.тюркология. 1981. № 1. – С. 93; Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. № 1. – Б. 22-26.

асосий категориялари матн тилшунослиги фани учун қанчалик мұхим аҳамияттаға эга бўлса, матн генерацияси, матннинг яратилиш жараёни каби масалалар ҳам бу фан учун шунчалик мұхим аҳамият касб этади. Бизнинг бу фикримиз биринчи навбатда бадиий матнларга тегишлидир. Нутқ генерацияси нүқтаи назаридан матн статик ҳодиса эмас, балки динамик ҳодиса ҳисобланади. Матннинг қўлёзма варианти устида ишлаш ёки асарни қайта нашрга тайёрлаш жараёнида ёзувчи (матн ижодкори) томонидан бутун матнга ёки унинг муайян қисмларига маълум ўзгаришлар киритилади. Бундай ўзгаришлар натижасида бутун матннинг ёки унинг бирор қисмининг ўзига хос қўшимча нусҳалари, вариантлари юзага келади. Матннинг қўшимча нусхаси ёки варианти дейилганда, мазкур матнда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг бошқа воқеа-ҳодисалар билан алмашуви эмас, балки ўша воқеа-ҳодисаларни тасвирловчи воситаларнинг бошқа ифода воситалари билан алмашинуви кўзда тутилади. Масалага ана шу нүқтаи назардан қараганда, И.Кўчқортоев ва Ҳ.Низомхоновларнинг “Бадиий асарнинг текстуал вариантлари – лингвостилистик тадқиқот объектларидан бири” номли илмий мақоласи ўзбек матншунослигига алоҳида ўрин тутади<sup>23</sup>. Кейинчалик Р.Кўчқортоева, Ҳ.Низомхонов, М.Аминова каби олимлар Абдулла Қаххор, Ойбек, Ҳамза каби ижодкорларнинг қўлёзма матнлар устида ишлаш маҳоратини маҳсус тадқиқ этдилар<sup>24</sup>. Бундай муаммо ўз вақтида А.Шомақсудов (1971), Қ.Самадов (1967, 1981), И.Кўчқортоев (1976) каби олимларнинг ишларида ҳам ўрганилган эди. Адабиётшунос олим С.Мелиев шеърий матнларда сўзнинг бадиий функциясини маҳсус тадқиқ этди. Жумладан, олим контекстда сўз динамикасини очиб бериш учун шоир Ҳусниддин Шариповнинг “Балиқ фалсафаси” номли шеърида “Думингни ликиллатасан, олга кетасан” мисрасининг такорори яхлит бир матнни, тугал шеърий матнни вужудга келтирганини уч ярусда тадқиқ этади ҳамда шундай хулосага келади:

“Думингни ликиллатасан, олга кетасан” замирида аччиқ захарханда бор. У думини ликиллатиб умр кечирувчи кишиларнинг “олға кетишига” тўсқинлик қилиб, уларни ҳажв зарби билан янчиб ташлайди... Матнни ўқир экансиз, балиқ инсон тасаввуридан бутунлай чиқиб кетмайди. Зеро, лагандардорнинг балиққа ўхшаш томонлари ҳам йўқ эмас. Балиқнинг сувда солланиб, силлиқ сузиши ҳаётнинг сермашаққат йўлларидан равон ўтиб кетишга ружу қўйган лаганбардор “фалсафаси”га мос келади.

Мутлақ бир хил икки мисра “Думингни ликиллатасан, олга кетасан” нинг такоррланиши натижасида бу шеър тугал бадиий асар (поэтик матн) қиёфасига киради. Сўзларнинг айтилиш оҳангига ҳам балиқнинг сузишию

<sup>23</sup> Кўчқортоев И., Низомхонов Ҳ. Бадиий асарнинг текстуал вариантлари – лингвостилистик тадқиқот объектларидан бири // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. № 6. – Б. 15-19.

<sup>24</sup> Бу ҳақда қаранг: Кучкартаева Р. Работа А.Каххара над языком своих произведений. АКД. – Ташкент, 1980. – 24 с.; Низамханов Ҳ. Выбор слова как проблема литературно-стилистической обработки текста (на материале замен синонимических средств лексики в романе Айбека «Навои»). АКД. – Ташкент, 1986. – 21 с.

итнинг дум ликиллатишини эслатадиган нимадир бор. Ана шу ўхшашлик лаганбардор кимсаларнинг яшаш фалсафасини нафрат ва захарханда ўтига дучор қиласи.

Контекст (матн)да сўз динамикаси кенг тушунча. У фақат муайян контекст доираси билан чекланмай, сўзнинг воқелик билан “олди-берди”сини ҳам ўзида қамраб олади. Демак, сўз динамикаси турли контекстда турлича кўринишга эга бўлади. Келтирилган шеър матнида балиқдан бошқа нарса йўқ. Аммо дум ликиллатиши бирикмасининг ҳаракат доираси шунчалик кенгки, у аввал ит, кейин лаганбардор одам қиёфасини китобхон зеҳнида жонлантиради. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳаракатчан динамик сўз ва бирикмалар юксак бадиий контекст (матн)ни вужудга келтиради<sup>25</sup>. Кейинчалик С.Мелиев шеърий контекстда сўзнинг бадиий функцияси таҳлилига оид номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди<sup>26</sup>.

М.Тўхсанов “Микроматн ва ўзбек бадиий нутқида унинг когерентлигини ифодаловчи воситалар (сўз алмаштириш ва такрор)” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди<sup>27</sup>.

Олимнинг фикрича, тилшунос олимлар томонидан текст (матн) термини тор ва кенг маънода ишлатилади. Тор маънода тугал фикр англатувчи бир (баъзан) ёки бир неча гапдан иборат бўлган жумла тушунилса, кенг маънода қисса, роман, газета, журнал мақоласи, илмий монография, турли хужжат ва ҳоказолар назарда тутилади. Булардан биринчиси микротекст, иккинчиси макротекст деб ҳам аталади.

Микротекст грамматика, яъни синтаксиснинг ўрганиш обьекти саналади. Макротекст эса социолингвистика, функционал стилистика, прагмалингвистика, адабиётшунослик, поэтика каби бир қатор филологик фанларнинг обьекти деб қаралади. Бундан қўринадики, текст (матн) лингвистикаси икки обьектли фан бўлиб, унинг предмети микротекст эканлигига асос бўлувчи моделларни ўрганиш ташкил этади<sup>28</sup>. Бу иш ўзбек тилшунослигидаги микроматн ва унинг когезиясини монографик йўналишда ўрганишга бағишлиланган дастлабки тадқиқотлардан бири эканлиги билан эътиборга молик.

Ҳ.Усмонов эса ўзбек бадиий матнларида сўзлашув нутқи хусусиятларини маҳсус тадқиқ этди<sup>29</sup>. Проф. А. Мамажонов “Текст лингвистикаси” номли ўкув қўлланмасини нашр эттириди<sup>30</sup>. Бу ишда матн ҳақидаги илмий-назарий қарашлар маълум даражада таҳлил қилинган, матн тушунчасининг моҳияти, типлари ва компонентлари, бу

<sup>25</sup> Мелиев С. Контекстда сўз динамикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. № 4. – Б. 54.

<sup>26</sup> Мелиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале современной узбекской поэзии). АҚД. – Ташкент, 1985. – 19 с.

<sup>27</sup> Тухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи (замена и повтор). АҚД. – Ташкент, 1987. – 17 с.

<sup>28</sup> Тўхсанов М. Микротекст ва унинг коммуникатив яхлитлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 5. – Б. 66-67.

<sup>29</sup> Усманов Ҳ.К. Особенности разговорной речи в художественном тексте (на материале языка узбекских повестей 70-х годов), Автореф. дис... канд. филол. наук, Ташкент, 1988. – 20 с.

<sup>30</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Ўкув қўлланмаси. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1989. – 62 б.

компонентларнинг ўзаро боғланиши ва матн қисмларининг боғловчи воситалари, матн бирликлариаро синонимия, синтактик-стилистик фигуralар масалалари таълимий нуқтаи назардан ўрганилган. Кейинчалик А.Мамажонов М.Абдулаттоев билан ҳамкорликда “Матн синтаксиси” номли ўқув қўлланмасини ҳам нашр эттирди. Таълимий характерга эга бўлган бу қўлланмада матннинг структур-семантик ва услубий жиҳатлари, матн бирликларидаги тема-рематик муносабат масалалари таҳлил қилинган ҳамда шу асосда ўзбек тилидаги матнларнинг синтактик табиати ҳақида тегишли умумий хулосалар баён қилинган<sup>31</sup>.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек олимлари матн тилшунослигининг назарий муаммолари билан шуғуллана бошладилар. Бу жиҳатдан Б.Ўринбоев, Р.Кўнгуроев, Ж.Лапасовларнинг “Бадий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарнинг “Кириш” қисми “Текст – лингвистик таҳлил объекти” деб номланади. Бунда матн типлари, уларнинг умумий ва ўзига хос белгилари, матнни лисоний таҳлил қилишнинг методологик тамойиллари, матн яратиш мяммолари, ифода воситаларининг танланиши ва уларнинг матн тузилишидаги роли сингари долзарб масалалар ўзбек тили фактлари мисолида ёритилган<sup>32</sup>. Шундан кейин асарда Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий,Faфур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин каби шоир, ёзувчи ва драматургларнинг шеърий, насрый ва драматик асарларидан матнлар келтирилиб, уларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш намуналари берилган. Бу асарда тўғри таъкидланишича, “умумий тилшунослиқдаги назарий фикрлар асосида текст (матн)нинг моҳияти, тузилиши, мазмуни, фикрни юзага чиқаришдаги роли каби қатор муаммоларни ёритиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир” [12, 8]. Ж.Лапасов “Бадий матн ва лисоний таҳлил” номли қўлланмасида бадий матннинг лисоний таҳлили ҳақида умумий маълумот берилади, матн тузилишида ифода-тасвир воситаларининг аҳамияти, ремарка ва реплика, лексик ва услубий воситалар, стилистик фигуруларнинг матнни шакллантиришдаги ўрни, матн таҳлилида луғат устида ишлаш усуллари каби масалалар ўрганилган ҳамда шеърий, насрый ва драматик матн таҳлилига доир намуналар келтирилган<sup>33</sup>.

М.Ҳакимовнинг номзодлик диссертациясида илмий матн ва унинг бирликлари орасидаги мазмуний муносабатни ифодаловчи боғловчилар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларига аниқликлар киритилган, илмий матнда муаллифнинг хусусий муносабати ва унинг турлари, ўзбекча илмий матнларнинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари кенг таҳлил қилинган. Бу ишда ўзбек тилининг илмий услуби матн категорияси

<sup>31</sup> Мамажонов А., Абдулаттоев М. Матн синтаксиси. – Фарғона: ФарДУ нашри, 2002. – Б. 4-25.

<sup>32</sup> Ўринбоев Б., Кўнгуроев Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили, Тошкент, Ўқитувчи, 1990. – Б. 6-40.

<sup>33</sup> Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 5-86.

аспектида ўрганилган, гуманитар фанларга оид илмий матн намуналари бу иш учун фактик материал манбаи бўлиб хизмат қилган<sup>34</sup>.

“Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси” мавзуидаги номзодлик ишида тадқиқотчи Н.Улуқов диний матнлар тилшуносликда ўзига хос алоҳида матн тури сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ, деган фикрни экзотик лексика материаллари мисолида асослашга интилади<sup>35</sup>.

1997 йилда Тошкентда ўтказилган “Ўзбек тили” анжуманинг тўртинчи йиғини бевосита “Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари” мавзуига бағишлиланган эди. Бу анжуман материаллари йирик тўплам сифатида нашр этилган. Бу эса мамлакатимизда матн тилшунослиги ютуқларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>36</sup>.

1998 йилда СамДУда “Махсус матнларнинг лингвистик талқини (интерпретацияси) ва чет тилларида мулоқот қилишни фаоллаштириш” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилди. Бунда Абхай Морие (Хиндистон), Су Фан Сю (Хитой), Д.Лохер (Швецария), В.Ревицкий (Беларус), Ж.А.Каренейева (Қозогистон) сингари хорижлик олимлар ҳамда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан филолог мутахассислар иштирок этдилар ҳамда матн ва унинг лингвистик талқини билан боғлиқ бир қанча долзарб масалалар муҳокама қилинди<sup>37</sup>.

Проф.Э.Қиличевнинг “Матннинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмасида матннинг кўринишлари ва уни лисоний таҳлил қилиш намуналари берилган. Энг муҳими, бу ишда поэтик ва насрий матнларни шаҳрлаб ўқиш ҳамда таҳлил қилиш, матнни “лингвистик микроскоп остида” ўрганиш (фонетик, лексик, морфемик, морфологик, синтактика таҳлил усуллари)га оид машқ намуналари келтирилган<sup>38</sup>.

2000 йилда Самарқандда “Матн ва унинг талқини” мавзууда халқаро илмий-назарий конференция ўтказилди. Бу анжуманда матннинг информативлиги, көгезияси, бўлинувчанлиги, ретроспекцияси, ички ва ташки деривацияси каби долзарб масалалар муҳокама қилинди<sup>39</sup>.

Маълумки, прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён

<sup>34</sup> Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари, НДА, Тошкент, 1993. – 26 б.

<sup>35</sup> Улуқов Н. М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси, НДА, Тошкент, 1997. – 29 б.

<sup>36</sup> Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари (“Ўзбек тили” доимий анжумани тўртинчи йиғинининг тезислари). – Тошкент, 1997. – 256 б.

<sup>37</sup> Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению (материалы международной теоретической конференции). – Самарканд, 1998. – 254 с.; Матн ва унинг лисоний таҳлилига оид тадқиқотлар (халқаро илмий анжуман материаллари). – Самарқанд, СамДУ нашри, 1999. – 70 б.

<sup>38</sup> Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, БухДУ нашри, 2000. – 36 б.

<sup>39</sup> Матн ва унинг талқини (халқаро илмий-назарий конференция материаллари, Самарқанд, 16-18 ноябр 2000 йил). – Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2000. – 256 б.

қилувчи нутқ иштирокчилариға хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади. “Прагматика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бири бўлиб, унинг назарий манбаи Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимларнинг илмий-назарий қарашлари билан боғлиқ. Уларнинг тадқиқотларида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида белгилар системаси ва лингвистик белги функционаллиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтаксис, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатиб берилади”<sup>40</sup>. Лингвистик прагматиканинг ўзбек тилшунослигида шаклланишида М.Ҳакимовнинг тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади. Негаки олим ўзбек тилидаги матннинг прагматик талқинига бағишлиган докторлик диссертациясида матн лингвистик прагматика, нутқий акт назарияси тамойиллари асосида ўрганилган, матнда очик ва яширин (эксплицит ва имплицит) шаклда ифодаланадиган мазмунларнинг ўзига хос қонуниятлари кўрсатиб берилган, уларнинг семантиқ, синтактиқ, пресуппозицион ва прагматик хусусиятларига доир қоидаларга аниқликлар киритилган. Бу иш ўзбек тилидаги матн тилшунослиги муаммоларига назарий жиҳатдан тамоман янги фикр-мулоҳазалар баён этилган<sup>41</sup>.

М.Ҳакимова вақт маъноли бирликларнинг матнни шакллантиришдаги имкониятларини тадқиқ этиб, номзодлик ишини ҳимоя қилди. Ишда таъкидланишича, вақт маъноли (темпорал) лексемалар матнни нурсимон ва занжирсимон усулларда боғлай олади. Нурсимон боғланишда вақт маъноли лексема ўзининг вақт мундарижаси асосида матн бошида етакчи сўз бўлиб туради. Ҳамма воқеа-ҳодисалар шу сўз ифодалаган вақт кўламида юз беради. Занжирсимон боғланишда муайян лексема маъносидаги бутун ёки умумий вақт қисм ва хусусийликлар тарзида матн компонентларини боғлашга хизмат қиласи (кун: эрталаб, туш, кечкурун каби). Бунда дастлабки бош (бутун, умумий) темпорал семеманинг муайян семалари кейинги жумлаларда семемалар мақомини касб этади. Шунингдек, вақт маъносини денотатини воқелик сифатида тасдиқлаш (атов гап), кейинги фикр ёки тавсифнинг темпорал предметини тема сифатида аввал тасдиқ йўли билан бериш каби коммуникатив эҳтиёжлар ҳам матн шакллантирувчи омиллардандир.

Вақт маъноли сўзлар матн шакллантириш ва унинг яхлитлигини таъминлашда темпорал майдоннинг бошқа бирликлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

М.Йўлдошев бадиий матн лингвопоэтикаси билан жиддий шуғулланиб, шу мавзуга доир бир қатор монографиялар яратди ҳамда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>42</sup>. Худди шунингдек,

<sup>40</sup> Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск ХУ1, М.: Прогресс, 1985. – С. 471.

<sup>41</sup> Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини, ДДА. – Тошкент, 2001. – 50 б.

<sup>42</sup> Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқики. ДДА. – Тошкент, 2009. – 48 б.

С.Боймирзаева бадиий матнда қўшма гап шаклларининг қўлланиш хусусиятлари, матннинг модаллиги ва унда темпораллик мазмуни семантикаси таҳлилига доир мазмундор монографиялар нашр эттириди ҳамда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ш.Турниёзованинг номзодлик иши эса матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари таҳлилига бағишлиланган эди. Ишда ҳаққоний таъкидланишича, “матн деривацияси ўзига хосликка эга бўлиб, унинг сўз бирикмаси, гап, мураккаб синтактик қурилма материалида шаклланиши абзац ва боб материалида воқеланишидан фарқ қиласи. Сўз бирикмаси, гап ва мураккаб синтактик қурилмаларнинг матн мақомида келишида уларнинг синтактик деривацияси тамойиллари одатдаги операнд, оператор ва дериват каби содда тушунчаларга асосланади. Абзац деривациясида эса мазкур тушунчалар мураккаб характер касб этади”.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида матн муаммосини у ёки бу жиҳатдан ўрганишга алоқадор бўлган бир қатор илмий мақолалар ҳам эълон қилинди.

Шундай қилиб ўзбек тилшунослигида матн муаммоларини тадқиқ этишда салмоқли ютуқларга эришилди. Эндиgi вазифа ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш, матн тилшунослиги муаммоларига доир монографик тадқиқотлар яратиш, матннинг турлари, унинг прагматик имкониятлари каби масалаларни кенг миқёсда чуқурроқ тадқиқ этишдан иборатdir.

### **Назорат саволлари:**

1. “Матншунослик”, “матн” (текст) атамаларининг изоҳи ҳақида.
2. Матн тилшунослиги тараққиётида Самарқандда ўтказилган икки халқаро конференция (1998, 2000), “Ўзбек тили” доимий анжуманининг тўртинчи йиғилиши (1997) нинг ўрни..
3. “Контекстда сўз динамикаси” тушунчасининг изоҳи ва конкрет мисоллар асосидаги таҳлили.
4. Ўзбек тилшунослигида матн ва унинг турлари таҳлилида “Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” (1990), “Бадиий матн ва лисоний таҳлил” (1995) асарларининг тутган ўрни.
5. Лингвистик прагматика ва унинг хусусиятлари таҳлилида М.Хакимов тадқиқотларининг ўрни.
6. Бадиий матн лингвопоэтикаси ва матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар тадқиқида М.Йўлдошев, С.Боймирзаева тадқиқотларининг тутган ўрни.

## 4-5-маърузалар

### НУТҚДА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ ВА МАТН ТУШУНЧАСИ

**Таянч сўз ва иборалар:** Система, белги, ифодаловчи, ифодаланувчи, нарсанинг номи, тушунча, тилнинг виртуаллиги, нутқнинг конкретлиги, тил унсурларининг меъёридан ортиқ қўлланилиши, ортиқчалик тилнинг ютуғи, ортиқчалик тилнинг нуқсони, автоном монема, функционал монема, қарам (тобе) монема, ярим функционал ва суперфункционал монемалар, тилнинг воқеликка муносабати, нутқнинг воқеликка муносабати, мураккаб синтактик қурилма, абзац.

Маълумки, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги давригача тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ва унинг жамият тараққиётидаги мавқеи масаласи яхши ўрганилган. Бу масала фақат тилшуносларни эмас, балки файласуфлар, тарихчилар, этнографлар, психологлар ва бошқа мутахассисларни қизиқтириб келмоқда.

Жамиятда у ёки бу тилнинг тутган ўрни, мавқеи унинг нутқда реал қўлланилиши билан бевосита алоқадордир. Биз нутқ ҳақида фикр юритганда, энг аввало тилнинг мураккаб система эканлигини чукур тушуниб етмоғимиз лозим бўлади, чунки тил системасидаги ана шу элементлар (бирликлар) нутқни ташкил этувчи асосий хомашёдир.

Швейцариялик машхур тилшунос Фердинанд де Соссюр (1857-1913) тилнинг мураккаб система эканлигини биринчилардан бўлиб илмий асослаган эди. Соссюр тил системаси белги (сигнал, рамз)лардан ташкил топишини ва ҳар бир белги ўзига хос ва барча белгилар учун умумий бўлган икки жиҳатга эга эканлигини далиллаб берди. Олим бу жиҳатларнинг бирини ифодаловчи (*signifie*), иккинчисини эса ифодаланувчи (*signifiant*) деб номлайди. Уларнинг биринчиси шакл тушунчаси билан, иккинчиси эса мазмун билан бевосита боғлиқ бўлиб, бирининг иштирокисиз иккинчиси белгининг шаклланишини тўла асослай олмайди. Бунда белгининг ифодаловчи жиҳатини нутқ товушлари ташкил этади, унинг ифодаланувчи томонини эса маъно белгилайди.

Маъно лексик (луғавий) ёки грамматик характерга эга бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам белгини ифодалашда фаол иштирок этади. Масалан, *тош*, *дафтар*, *уй* сўzlари тил белгиси сифатида лексик маъно ифодаласа, *аммо*, *бироқ*, *баъзан*, *ҳаттоқи*, *ҳам* сўzlари фақат грамматик маъно ифодалайди.

Белгининг тил системасидаги ўрни ва бир-биридан фарқи қўйидаги икки восита орқали белгиланади: а) товуш; б) маъно. Бунга *бош*, *тош*, *қош*, *чиш*, *ё(йо)ш*, *дош*; *тоғ*, *боғ*, *зоғ*, *ё(йо)ғ*, *чоғ*; *билак*, *тилак*, *элак* каби бир товуш орқали фарқланувчи сўzlарни мисол келтириш мумкин. Бироқ шаклдош сўzlарда тил белгилари, асосан, маъно орқали фарқланади.

Ф.де Соссюрнинг тильтунослик фани учун катта хизматларидан бири “тил ва нутқ” дихотомиясини илмий асослаганида кўринади<sup>43</sup>. Тил ва нутқнинг ўзаро муносабати Ф.де Соссюр таълимотида фақат бири иккинчиси билан узвий боғлиқ ҳодисалар сифатида эмас, балки бири иккинчисига зид бўлган ҳодисалар тарзида ҳам изоҳланади. Уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги тилсиз нутқ, ва аксинча, нутқсиз тилнинг мавжуд бўла олмаслигига кўринади. Шу билан бирга тил ва нутқнинг ўзаро зиддияти тилнинг умумийлиги, нутқнинг эса хусусийлигига, тилнинг виртуаллиги, нутқнинг эса актуаллигига ҳам кузатилади<sup>44</sup>.

Сўз тил бирликлари орасида энг фаоли саналади. Шу билан бирга сўз тилнинг мавхум ва қўп маъноли бирлигидир (бу қаторга терминларни киритиб бўлмайди). Масалан, *Ер сўзи сайёра (планета)* тушунчасидан ташқари, ўрин, жой, сатҳ, тупроқ қатлами, томорқа каби ўн бир маънода қўлланади (ЎТИЛ-5, П, 14-15). Бироқ нутқ жараёнида ҳар сафар ана шу маънолардан фақат биттаси матн таркибида фаоллаша олади. Мазкур маъно ифодаларининг барчасини нутқда бир йўла фаоллаштириб бўлмайди. Чунки нутқ ҳар доим бирор аниқ хабар ифодасини бериш мақсадида шаклланади. Шу билан бирга “*ер*” сўзи тилимизда *ер остидан қарамоқ, ернинг тагида бўлса ҳам топмоқ, ер тишлатмоқ, ер чизиб қолмоқ, бурнини ерга шиқамоқ, гапини ерда қолдирмаслик, туяning думи ерга текканда, гапни бир ерга қўймоқ* сингари бир қанча фраземаларнинг шаклланиши, уларнинг иккиласи кўчма маънога эга бўлиши учун ҳам хизмат қиласи. Бу эса, ўз навбатида, сўзловчига нутқ жараёнида улкан масъулият юклайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзловчининг нутқида кўп ҳолларда турли хил нуқсонлар, жумладан маъно камчиликлари учрайди. Масалан, рус тилидаги *приглашение учителя* бирикмасининг қўлланишида икки хил маъно ифодаси кўзга ташланади: ўқитувчи кимнидир тақлиф қилмоқда ёки кимдир ўқитувчини тақлиф қилмоқда. Бу сингари мисолларни ўзбек тили материалида ҳам келтириш мумкин: *Қишлоғимизда икки орденли ўқитувчи яшайди*. Мазкур матнни қуйидаги икки маънода тушуниш мумкин: *Қишлоғимизда яшайдиган ўқитувчининг икки ордени бор ёки Қишлоғимизда яшайдиган иккита ўқитувчининг орденлари бор*. Бундай вазиятда, шубҳасиз, тингловчи ўзига керакли маълумотни олиш учун анча қийналади. Шунинг учун тил бирликларининг нутқда қўлланишида сўзловчининг масъулияти, тил бирликларини ўзига хос оҳанг, урғу билан талаффуз қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари, нутқнинг шаклланишида сўзловчи тил бирликларининг тежалиши масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоғи лозим. Чунки нутқда тил унсурларининг такрорий қўлланиши ёки маълум бир хабар ифодасининг берилишида уларнинг суистеъмол қилиниши

<sup>43</sup> Соссюр Ф.де. Труды по языкоznанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 98-103.

<sup>44</sup> Бу хақда қаранг: Усмонов С. Умумий тильтунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – Б. 125-153; Невматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 8-25.

нүтқий маъно ифодасининг лўнда ва тушунарли қилиб воқеланишига, сўзсиз, салбий таъсир кўрсатади. Бу фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат қиласи: *Шундай совуқда қўлда тугунчак билан қаёқча боряпсиз? – Шундай совуқда қўлда тугунчак билан меҳмонга боряпман.*

Кўринадики, айни пайтда савол берувчи нутқида ҳам, жавоб берувчи нутқида ҳам сўз қўлланилишида ортиқчаликка йўл қўйилган: *ҳавонинг совуқлиги, қўлда тугунчак борлиги сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам кўриниб турган нарса.* Шу боис бу ўринда нутқий муҳит иштирокчиларидан бири оддийгина қилиб Қаёқча? деганида, иккинчиси *Меҳмонга тарзида жавоб бериши ҳам мумкин эди.*

Нутқда қўлланилган бундай ортиқча сўзлар *нутқий ортиқчалик* (плеоназм) деб аталади. Бироқ тилда ҳам шундай ортиқчалик ҳодисаси кузатилади<sup>45</sup>. Масалан: *Мен 2012 йилдан бошлаб магистрман.* Бу матнда *мен* кишилик олмоши қўлланилган ҳолда яна -ман шахс-сон қўшимчаси ҳам қўлланилмоқда. Лекин айни пайтда бу қўшимчани жумла (матн) таркибидан тушириб қолдириб бўлмайди.

Умуман, тилдаги ортиқчаликни бартараф этиш қийин. Нутқдаги ортиқчаликни эса исталган пайтда бартараф этса бўлади. Тилдаги ортиқчалик ҳақида гапирганида американлик тилшунос Г.Глисоннинг қуйидаги фикрларини эсга олиш мумкин: “Ортиқчалик – бу тилнинг камчилиги эмас, балки унинг иштирокисиз тил фаолият кўрсата олмайдиган энг муҳим омилдир”<sup>46</sup>.

Тилдаги ортиқчалик ҳақида сўз юритилганда шунга ҳам аҳамият бериш зарурки, ортиқча қўлланилаётган тил бирликларини уларнинг тақрорий қўлланилиши маъносида тушунмаслик керак. Қиёслайлик: *Мен 2011 йилдан бошлаб магистрман.* Айни пайтда -ман шахс-сон қўшимчаси тақрор эмас, балки жумла таркибида кесим вазифасида келаётган сўзга синтактик фаоллик берувчи грамматик-функционал восита, уни тилдан нутқка кўчираётган морфологик бирлик сифатида фаоллик кўрсатмоқда. Бу эса тилдаги ортиқчаликнинг нутқ жараёнида энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бироқ бундан тилдаги ортиқчалик ҳар доим ҳам тил бирликларини нутқка кўчирувчи восита вазифасида келади, деган хулоса келиб чиқармаслик керак. Чунки тил бирликларининг нутқка кўчирилишида турли хил морфологик воситалар иштирок этади. Бундай воситаларни Прага тилшунослик мактабининг йирик намояндадалидан бири А. Мартине “*монема*” термини орқали изоҳлаган эди. А.Мартине таълимотига кўра, *монема* нутқнинг энг кичик бирлиги ҳисобланниб, унинг воситасида тил унсурлари нутқда синтактик фаоллик олади, ёхуд у ўзи-ўзига синтактик актуаллик баҳш этади.

<sup>45</sup> Бу ҳақда қаранг: **Махкамов Н.** Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 4-13.

<sup>46</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – М.: Иностранная литература, 1959. – С. 368.

А.Мартине монеманинг қўйидаги уч хил қўринишини бир-биридан фарқлашга интилади: **автоном (мухтор) монема, функционал монема, қарам (тобе) монема**<sup>47</sup>.

Автоном (мухтор) монема вазифасида келган морфологик воситалар тилдан нутққа кўчганда бошқа бирор монеманинг ёрдамига муҳтоҷ бўлмайди. Бундай монемага тилларда кириш сўз, ундалма вазифаларида келган сўзлар мисол бўла олади. Функционал монема эса ўзига қарам бўлган бирор воситага синтактик функция беради ва уни бир пайтнинг ўзида тилдан нутққа кўчиради. Масалан: *Талабанинг китоби*. Бунда қаратқич келишиги қўщимчаси (-нинг) иштирокисиз *Талаба* сўзи нутқий функция бажара олмайди. Демак, ўзбек тилида -нинг аффикси ёрдамида функционал фаоллик олаётган сўз қарам монемадир, -нинг аффикси эса функционал монема вазифасини бажариб келмоқда.

Ортиқчалик (плеоназм)нинг хилма-хил турлари мавжуд. Шулардан бири семантик ортиқчалик бўлиб, шулардан бири семантик ортиқчаликдир. Бундан ҳодиса бадиий матнларда муҳим услубий воситалардан бири сифатида фаоллашади<sup>48</sup>. Масалан: *Қайси куни йизлаб кетди бир мўйсафиð чол* (А.Орипов). Келтирилган мисрада *мўйсафиð чол* бирикмаси семантик ортиқчаликни вужудга келтирган. “Чол” лексемаси қўйидаги денотатив семаларга эга: “шахс”, “қарилек белгисига эгалик”, “соҳ-соқоли оқарган”, “ёши катта” каби. Бу ўринда “мўйсафиð чол” бирикмасининг иккала компонентида ҳам семантик майдон “қарилек” бўлиб, “чол” архисема, яъни умумий сема саналади. “Мўйсафиð чол” бирикувида “нисбатан қари” семаларини субъектив муносабатда таъкидлаб кўрсатишига хизмат қиласди. Худди шунингдек, *У раийят, // Яъни ҳалқнинг гуч иродаси* (А.Орипов); *Ҳануз кўксимишни тирнайди фироқ, // Гарчи сиз музaffer, ғолиб, қаҳрамон* (А.Орипов); *Қуриб кетган, суягига ёпишган эти, // Қалби тўла ҳасад экан- ношукур бандা* (А.Орипов) каби поэтик матнларда ҳам синоним сўзлар (*раийят // ҳалқ, музaffer // ғолиб // қаҳрамон*), иборалар (*қуриб кетган // эти суягига ёпишган*) плеонастик шаклда қўлланиб, услубий мақсад учун восита бўлган.

Нутқнинг шаклланишида функционал монема бошқа монемаларга нисбатан анча сермаҳсул хусусиятга эга эканлиги билан ажralиб туради. Н.Турниёзов ва К.Турниёзоваларнинг “Функционал синтаксисга кириш” номли асарида функционал монеманинг А.Мартине томонидан қайд қилган уч тури қўйидагича номланган: **ярим функционал монема, функционал монема, суперфункционал монема**.

Бу ишда ярим функционал монема дейилганда, артикл, эгалик, кўплик, эркалаш, кичрайтириш қўшимчалари каби грамматик воситалар инобатга олинган. *Суперфункционал монема* эса алоҳида олинган тил бирликларида эмас, балки бирикма ҳолидаги тил унсурларига ҳамда матн

<sup>47</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики. – Новое в лингвистике, вып. 3. – М.: 1963. – С. 463-552.

<sup>48</sup> Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик (А.Орипов лирикаси мисолида). НДА. – Тошкент, 2011. – Б. 15-16.

мақомида келувчи қўшма гап компонентларига нутқий фаоллик беришлари билан функционал монеманинг бошқа турларидан кескин фарқ қиласди.

Ҳозирги даврда жаҳон тилшунослигига бўлганидек, ўзбек тилшунослигига ҳам “матн лингвистикаси” деб номланаётган соҳа тез суръатлар билан шаклланиб бормоқда. Бу соҳа ўз диққатини гапдан катта коммуникатив шаклланишларнинг хусусиятларини ўрганишга қаратмоқда. Матн тилшунослиги маънолари алоҳида гап ичидаги табиий равишда очилмайдиган, семантик вазифалари матннинг мустақил гапларнинг ранг-баранг мазмуний муносабатларини шакллантиришга хизмат қилувчи тил бирликларининг ҳақиқий табиатини атрофлича тушунтиришга, изоҳлашга интилмоқда. Масалан, ўзбек тилидаги *-ку*, *-да*, *-оқ* //*-ёқ*, *-ки* сингари таъкид юкламаларини ўрганиш узоқ йиллар гап доирасида чегараланиб келди ва уларга “гапдаги сўзларнинг маъноларини ёки гап мазмунини таъкидлайди”, деб умумий таърифлар берилди. Ҳозирги вақтда матн тилшунослиги эса бу юкламаларга мустақил гапларнинг мазмуний, коммуникатив, эмоционал-экспрессив ҳолатларини шакллантирувчи (ифодаловчи) ва айни пайтда уларнинг матний (текстуал) боғланишларини йўлга қўювчи лисоний бирликлар сифатида қарайди. Масалан, *Мен бордим-ку. Сиз нега бормадингиз?* матнида *-ку* юкламасининг вазифалари эски хабар (тема)ни – “бордим”ни таъкидлаб кўрсатиш ва шу орқали иккинчи гапдаги уйғун семантикали нисбий янги хабар (рема)га – “бормадингиз”га ҳам урғу бериш, айни пайтда олдинги ва кейинги гапларнинг кесимларини актуаллаштириб нисбатлаш орқали боғлаш, шунингдек, таъкидлашнинг бу тури орқали “шундай бўлса ҳам” ёки “ҳеч нарсага қарамай” каби қўшимча ҳис ва ёрдамчи мазмунлар (пресуппозициялар) ифодалаш учун хизмат қиласди<sup>49</sup>.

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигига *хуллас*, *биринчидан*, *иккинчидан* сингари айрим сўзлар ташки ўхшатишлар асосида модал сўзлар гурухида ўрганиб келинмоқда. Бу сўзлар ажralувчан мавқеига кўра кўринишича, эҳтимол каби модал сўзларга жуда ўхшаш бўлса-да, улар ўзларининг маъно турларига кўра модаллик категорияси билан унчалик алоқаси йўқ. Аслида *биринчидан*, *иккинчидан*, *хуллас* каби сўзлар гап ичига кириб олган матн боғловчилари бўлиб, ўзларининг модал бўлмаган қўшимча маънолари билан ажralиб туради. Ёки *мен*, *сен*, *биз*, *ӯша*, ўз сингари олмош туркумига оид сўзларнинг гап ичи имкониятлари асосида ўрганилиши уларга хос бўлган маъно ва вазифалар кўламишининг нотўлиқ очилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбек тилида олмошлар кўп ҳолларда матн боғловчилари вазифасини бажарса ҳам, баъзан нутқий ситуация билан боғлиқ ҳолда ўзларининг *ишора маъноларини* ҳам англатадилар.

<sup>49</sup> Бу ҳақда қаранг: **Рахимов У.Э.** Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. НДА. – Самарқанд, 1994. – Б. 9-21; **Базаров О.О.** Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. НДА. – Фарғона, 2004. – Б. 6-20.

Кўчирма гапли қурилмалар, ўзга гап шакллари гап ва матн оралиғидаги ҳодисалар бўлиб, булар ҳам гап синтаксиси ва матн тилшунослигининг ҳамкорликларида гина чуқур тадқиқ этилиши мумкин.

Тил бирликлари, аввал эслатиб ўтилгани сингари (терминлардан ташқари), мавҳум ифодали хусусиятга эга бўлади. Улар нутққа кўчирилганда гина конкрет маъно касб этади. Умуман, тилнинг нутқда қўлланилган ҳар қандай бирлиги ҳам мавҳумлик исканжасида қолиб кетавермайди. Акс ҳолда, бу бирликлар орқали берилаётган хабар ифодасига путур етказилган бўлади. Масалан, тил системасида гина сўзини оладиган бўлсак, унинг мавҳум ифодали эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Лекин у Ёнгин! тарзида нутққа кўчирилса, нафақат конкрет ифодали, балки мустақил ҳолдаги алоҳида матн мақомида бўлади. Бу эса, ўз навбатида, матн тушунчасининг кенг кўламли эканлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, матн бир сўз билан ҳам, бир неча сўз билан ҳам, бир неча гап билан ҳам, бир неча абзац билан ва бир неча боб билан ҳам ифодаланиши ҳам мумкин. Фикр исботи учун қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик:

1. Ўзбек романларининг номлари: “Уфқ”, “Шайтанат”, “Юлдузли тунлар”, “Тангри қудуги”, “Сарбадорлар”, “Шинелли йиллар”, “Икки эшик ораси” кабилар.

2. Ўрикнинг турли навлари, қандай пайванд қилиши, найча пайванд, куртак пайвандлар тўғрисида сўраб-суришириб, анча нарсаларни билиб олдим. Ниятим – бир фидойи боғбон образини яратиш эди. Шу боғбоннинг фаолияти бевосита Ёзёвон чўлларига алоқадор бўлиши керак (Саид Аҳмад. Умрим баёни).

3. Биттагина ҳикояни обoramонми, деб ёнига “Ўрик домла”ни қўшиб “Шарқ юлдузи”га олиб бордим. Асқад Мухтор редактор эди. У иккала ҳикояни ҳам ўқиб, маъқул топди. Албатта, босамиз, деди.

Мен унга “Ўрик домла” икки газетадан қайтганини қўрқа-писа айтдим. Агар Асқад ҳам ланжлик қиласа, ҳикояни йиртиб ташламоқчи эдим.

Йўқ, Асқадга ёқди.

- Уларга ёқмагани бизга фойда бўлди,- деди у жиiddий.

Орадан бир ярим ой ўтиб, журналда “Икки ҳикоя” умумий сарлавҳаси остида “Пойқадам” ва “Ўрик домла” босилиб чиқди. Ҳикоя кўпчиликка маъқул бўлди (Саид Аҳмад. Умрим баёни).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида матн ифодасининг бир сўз билан ёки икки сўз (бирикма) орқали ифодаланаётгани кўринади. Бундай вазиятда мустақил сўз ва сўз бирикмалари тўлиқ предикативлик маъносига эга бўлади ҳамда воқеликка маълум бир яхлит муносабат билдириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Иккинчи мисолда эса матн ёйиқ ҳолатда келган учта содда гапнинг ўзаро бирикуви натижасида воқеланган мураккаб синтактик қурилма

орқали ифодаланмоқда. Бундай вазиятда матн ўзаро боғланган мураккаб синтактик қурилма қолипидаги уч компонентдан ташкил топган бўлади.

Учинчи мисолда эса матн компонентлари тўрт абзацдан ташкил топган. Айни пайтда бу матн таркибига кирган абзацлар ўзаро мазмуний жиҳатдан боғланган бўлади.

Гапларнинг мазмун турларини матн омиллари заминида тадқиқ этиш матн тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири саналади. Матн тилшунослигининг адабиётшунослик фани билан мустаҳкам алоқаси тилнинг эстетик функцияларини филологик заминда туриб чуқур тадқиқ этиш учун кенг имконият яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай матн ҳам тил бирликларининг нутқда реал қўлланилиши учун ўзига хос макон, майдон вазифасини бажаради. Тил бирликлари ҳажман катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, улар нутқ жараёнида (матн таркибида) ўзининг том маънодаги мазмуний ифодасига эга бўлади. Назарий тилшунослик доимо тил таълимнинг мазмун мундарижаси ва йўналишини белгилаб келганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек тили бирликларининг матн оқимиидаги ранг-баранг хусусиятларини чуқур тадқиқ этиш ва бу соҳадаги ютуқларни ўзбек тили таълимига, лингводидактикасида олиб кириш матн тилшунослиги фанининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Тилнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси ҳақида тушунча.
2. Тилнинг системалик характеристи ва структураси орасидаги муносабат.
3. Тилнинг белгилик хусусияти ва унинг нутқ жараёнидаги инъикоси.
4. Тил белгиси ва унинг ўзига хос сифатлари.
5. Матн таркибида сўзнинг луғавий (лексик) ва грамматик маъноларини фарқлаш тамойиллари.
6. Фердинанд де Соссюрнинг “тил ва нутқ” дихотомияси ҳақидаги таълимоти ҳақида тушунча.
7. Тил бирликларининг мавхум ва кўп маъноли характеристи, нутқ бирликларининг эса конкрет ва якка маънолик хусусияти.
8. Лисоний ва нутқий ортиқчаликнинг умумий ҳамда фарқли белгилари.

## **6-маъруза**

### **МАТНДА СИНТАКТИК АЛОҚАНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЛЕКСИК ВОСИТАЛАР**

**Таянч сўз ва иборалар:** матн, матн компонентлари, матн компонентларининг синтактик алоқаси, иатнда синтактик алоқани таъминловчи воситалар, лексик такрор, олмошлар, синоним сўзлар, абзацлараро синтактик муносабат.

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигига матн, унинг моҳияти, лексик ва грамматик хусусиятлари тадқиқига бағишлиланган ишлар ортиб бормоқда. Уларнинг аксариятида матн компонентларининг семантик алоқасини ўрганишга асосий эътибор қаратилади. Бизнингча, матн компонентларининг синтактик жиҳатдан ҳам боғланишли эканлигини мукаммал талқин этиш учун вақт келди, зотан, матн фақат семантик жиҳатдан эмас, балки синтактик жиҳатдан ҳам яхлитликни тақозо этади. Бошқача айтганда, матн компонентлари қандай йўсинда бўлмасин синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро боғланган бўлади.

Кузатишлар шундан далолат берадики, матн компонентларининг ўзаро синтактик боғланишига қўйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатади: а) лексик такрор; б) синонимик муносабатлар; в) олмошлар; г) кириш сўз ва бирикмалар; д) боғловчилар.

Баъзан лексик такрор матн компонентларининг синтактик алоқаси учун асос бўлади: *Мана бугун, Низомжон яна Дилдор билан учрашиди. Низомжон йигилиб қолган гапларини энтикиб, шошилиб гапирав, Дилдор бўлса бепарвогина унинг гапларига қулоқ солиб борар эди. Умуман, Дилдор кейинги пайтларда сал бошқачароқ бўлиб қолган эди. Низомжонни кўрганда бир қизариб оларди-да, тилдираб қочиб кетарди* (С.Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган матнда *Низомжон* ва *Дилдор* сўзларига эътибор берсак, уларнинг турли синтактик вазифаларда келиб, матн компонентларининг ўзаро синтактик муносабатини таъминланаётганини кўрамиз. Биринчи гапда *Низомжон* эга, *Дилдор* тўлдирувчи, иккинчи компонент – мураккаб синтактик қурилмада эса *Низомжон* ва *Дилдор* сўзларининг ҳар иккаласи ҳам эга вазифасида келмоқда. Учинчи гапда *Дилдор* эга вазифасида, тўртинчи гапда эса *Низомжон* сўзи тўлдирувчи бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, мазкур матнда *гаплари* сўзи ҳам такрорий қўлланилиб, бир ўринда воситасиз, иккинчи ўринда эса воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Синонимик сўзлар бадиий матн компонентларининг синтактик муносабатини ифодалашда ҳам мухим аҳамият касб этади. Бунда бир компонентнинг сатҳида келаётган маълум бир сўзниң иккинчи, учинчи ва ҳ.к. компонентларда синонимлари ёки синонимик маъноли унсурлари иштирок этади: Қиши совуқлари ҳам *Гавҳаршодбегимнинг* ҳаётидан

узоқлашиб кетди. Улуғбек . . . икки қаватли қўшқда *онаси* шарафига катта қабул маросими ўтказди. Маросимда Гавҳаршодбегимнинг барча келинлари шаҳарнинг аслзода аёллари ҳам иштирок этдилар. Зиёфатдан сўнг ҳаммаларига саруполар улашилди. (П.Қодиров. Она лочин видоси).

Келтирилган матнда синонимик маъноли қуидаги сўзлар мавжудлигини кўрамиз: *Гавҳаршод бегим – она (си), қабул маросими – зиёфат, келинлар (и), аслзода аёллар – ҳаммалари(га), барча – ҳамма.*

Айни пайтда матн компонентлари (гаплар)нинг сони тўртта бўлиб, синонимик маъноли сўзлар уларнинг барчасида қатнашмоқда ва компонентларнинг ўзаро синтактик алоқасини таъминлайди<sup>1</sup>.

Матннинг таркибий қисмлари ўртасида синтактик алоқа шаклланиши учун олмошларнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Бунда олмошнинг от, сифат, сон, равиш каби мустақил сўзлар ўрнида қўлланила олиши муҳим мавқега эга бўлади: *Меҳмонлар оғир сукунатдан қоронги хонақоҳга битта – битта кирдилар. Барча ўзини гёё пайғамбар қабри олдида ҳис этарди. Ўртадаги тошини навбат билан бир – бир ўтиб, ҳўнг – ҳўнг йиғладилар.*

*Гумбаз устидаги кабутарлар овози уларга гуё самодан келган пайғамбар овози каби туюларди* (Ойбек. Улуғ йўл).

Берилган матн тўрт компонентли бўлиб, биринчи ва иккинчи гаплар *барча* жамловчи олмоши воситасида, иккинчи ва учинчи гаплар имплицит ифодали *улар* учинчи ва тўртинчи гаплар эса *уларга* олмошлари билан синтактик алоқада эканлигини кўрамиз. Мазкур олмошларнинг барчаси *меҳмонлар* сўзининг субститутлари сифатида келиб *барча* – эга, яширин ҳолда келаётган *улар\_ ҳам* эга, *уларга* олмоши эса воситали тўлдирувчи функцияларини бажармоқда.

Матн компонентларининг синтактик алоқаси кириш сўз воситасида воқеланиши ҳам мумкин. Бунда кириш сўз ўз вазифасига кўра боғловчига яқинлашади<sup>2</sup>. Хусусан, кириш сўз вазифасида келган модал сўзларда бундай имконият анча салмоқлидир. Кириш сўзлар ҳозиргacha тилшуносликда гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага эга эмас, деган фикр қатъийлашган.

Матн шаклланишида боғловчилар ҳам муҳим вазифа бажаради. Бунда боғловчиларни вазифаларига кўра иккига бўлинади: а) мустақил гапларнинг ўзаро муносабатини таъминловчи боғловчилар; б) абзацлар муносабатини таъминловчи боғловчилар.

Матн таркибидаги мустақил гапларнинг синтактик муносабатини таъминловчи боғловчилар микро майдонда ҳам, макро майдонда ҳам қўлланиши мумкин.

<sup>1</sup> Сильман Т.И. Синтактико – стилистические особенности местоимений // Вопросы языкознания, 1970, № 4. – С. 23-24.

<sup>2</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика: - М.: Высшая школа, 1973. – С. 76-79.

Боғловчи макроматн таркибида келганда кўпроқ абзацларнинг семантик ва бир пайтнинг ўзида синтактик алоқаларини таъминлаш учун хизмат қиласди:

1. *Атрофни ўраб келаётган мерганлар ёй ўқи билан уни ниишонга олаётганларига кўзи тушиб, ваҳимаси баттар ошиди. Саросима ичиди қоятошининг нариги пана томонига ўзини отди.*

Бироқ қоянинг нариги томони икки юз қулоч баландликдаги тоши жарзор эди. Зов тагидан ўтган Ҳирот дарёси тоғлардан келган сел билан тўлиб-тошиб оқмоқда (П.Қодиров. Она лочин видоси).

2. . . ошириб бажаргандарга устама мукофот белгилаш; тоғда собиқ Қуйки районини тиклаш; унинг ўзига хос экономикаси билан алоҳида шуғулланиш . . .

*Лекин бу таклифларни айтиш учун Ориф ака кўп идораларнинг ичига кириб чиқди (А.Мухтор. Чинор).*

Берилган мисолларнинг ҳар иккиси ҳам макроматнинг муайян парчалари саналади. Биринчи мисолда макроматнинг икки абзаци бироқ зидлов боғловчиси орқали синтактик ва семантик муносабатга киришаётганини кўрамиз. Айни пайтда икки абзацининг синтактик алоқаси учун қоя, нариги томони сўз ва сўз бирикмалари ҳам хизмат қилмоқда. Бу ўринда абзацлараро лексик тақрор қўлланилаётганини кўрамиз. Мазкур воситалар, ўз навбатида, абзацлар ўртасидаги синтактик муносабатнинг янада мукаммалроқ тус олишига кўмаклашмоқда.

Иккинчи мисолда абзацлараро синтактик муносабат лекин зидлов боғловчи вазифасида шакллангани кўзга ташланади. Бу ўринда ҳам синтактик алоқанинг узвий эканлигини қайд этамиз. Чунки айни пайтда икки абзац синтактик муносабати учун иккинчи абзац бошида келаётган боғловчидан ташқари, бу кўрсатиш олмоши ҳамда биринчи абзацда маъно салмоғини умумлаштириб кўрсатаётган *таклифлар* сўзининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Шундай қилиб, матн компонентларининг турли йўллар билан, жумладан, лексик тақрор, синонимик воситалар, олмош - субститутлар, кириш сўз ва бирикмалар, боғловчи кабилар ёрдамида синтактик муносабат ташкил этишини кўрамиз. Бундай воситаларнинг ҳар бири келгусида алоҳида тадқиқотлар учун асос бўла олади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Матн компонентларининг ўзаро синтактик боғланиши ҳақида тушунча.
2. Матн таркибида мустақил гапнинг синтактик муносабатини изоҳланг.
3. Матнда абзацлараро синтактик муносабат қандай таъминланади?
4. Микроматнда абзацлараро синтактик муносабатни таъминлашда боғловчиларнинг иштирокни қандай изоҳлайсиз?
5. Матнда синтактик алоқани таъминлашда олмошлар ва маънодош сўзларнинг ўрни.

## **7-маъруза**

# **МАТН КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

**Таянч сўз ва иборалар:** Матн ва унинг характерли белгилари, матн – нутқ махсали сифатида, матндағи семантик муносабат, радикал семантик муносабат, бевосита семантик муносабат, боғланишли нутқ, матн компонентларининг прагматик муносабати, “грамматик gap” ва “мантиқий ҳукм”, абзац макроматн компоненти сифатида.

Маълумки, матннинг ҳар қандай тури ҳам тугалланган фикр ифодасини беради. Бу матннинг характерли белгиларидан бири саналади. Унинг иккинчи белгиси компонентларининг мазмунан боғланишли эканлиги ҳисобланади. Зотан, матн горизонтал чизиқда (синтагматик қатор доирасида) шаклланади ва бу жиҳатдан коммуникатив яхлитликни ташкил этади. Шундай бўлгач, ўзбекча матнларда боғланишлилик қуйидаги икки кўринишда воқеланади: а) матнда берилаётган икки ва ундан ортиқ ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик; б) ҳодисаларнинг ўзаро қоришуви натижасида шаклланган маъно бутунлигига акс этувчи боғлиқлик.

Матн, албатта, нутқимиз махсулоти саналади. Шунинг учун “боғланишли нутқ” (“связная речь”) тушунчаси тўғридан-тўғри матн билан алоқадордир. Матнда боғланишлилик унинг компонентлари муносабатида, биринчи галда уларнинг семантик муносабатида ўз аксини топади. Тилшунос олимлар матнда ифодаланаётган семантик муносабатни ўз навбатида, қуйидагича икки турга ажратиб ўрганмоқдалар:

1. Радикал муносабат. Бунда матн компонентлари ўзаро тўғридан-тўғри боғланмай матнда ифодаланаётган умумий маъно сатҳида муносабатга киришади.

2. Тўғридан-тўғри ёки бевосита муносабат. Бунда матннинг таркибий қисмлари бир -бирига боғлиқ бўлади ва бирининг маъноси иккинчисининг таъсирида ойдинлашади<sup>1</sup>.

Айтиш лозимки, матн компонентларининг ўзаро боғланишига хос бўлган семантик муносабатнинг ҳар икки тури ҳам муҳим аҳамият касб этади, зотан, ҳар бир матннинг асосий вазифаси маълум хабар ифодасини беришдан иборатдир. Бу эса семантик яхлитликни талаб қиласди. Матннинг бундай сифати муқаррар равишда ёзма нутқда кузатилади. Оғзаки нутқда эса унинг семантик бутунлиги ҳар доим ҳам воқе бўлавермайди. Чунки, оғзаки нутқда узук-юлук жумлалар ҳам кўп ишлатилади. Бундан ташқари, маъно яхлитлигига тингловчининг репликаси ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом// Синтаксис текста. –М.: Наука, 1979. – С. 56-58.

Матн компонентларининг маъно жиҳатдан боғланишли бўлиши нафақат матннинг маъно бутунлигини, балки унинг таркибий қисмлари саналувчи мустақил гапларнинг ҳам мазмуний салмоғи беками-кўстлигини таъминлайди. Тўғри, матндан ташқарида гап грамматик жиҳатдан мутлақо камчиликсиз бўлиши мумкин. Лекин унинг маъно бутунлиги фақат матн сатҳида бошқа гаплар билан ўзаро муносабатда келганда тўлиқ ифодасини топа олади. Бу матн таркибида қўлланилган барча гапларга хосдир, фақат матннинг бошланишида келган гап ўзининг нисбий мустақиллиги билан шу матн таркибига кирган бошқа гаплардан фарқ қиласди<sup>2</sup>.

Матн таркибида гапларнинг ўзаро семантик муносабатлари хусусида сўз юритилганда, тафаккуримизда ҳукмлар мажмуаси қандай боғланишини тасаввур этиб қўрмоғимиз лозим. Матн компонентларининг боғланишли эканлигини ўрганиш тил ва тафаккур бирлиги диалектик қонуниятидан келиб чиқади. Шунинг учун мустақил гапларнинг ўзаро муносабати замирида шаклланувчи гапдан катта ҳар қандай нутқ бирлиги ўзининг умумий мазмуни салмоғи жиҳатидан тафаккур маҳсулининг тил унсурлари воситасида ифодаланишини тақозо этади.

Гапнинг сўзлар муносабатидан ташкил этилишини назарда тутсак, бунда сўзнинг фикр ифодасини воқёлантирувчи белги эканлигини далилай оламиз. Бироқ нутқимиз қолипида рўй берувчи психологик мулоқатда сўз эмас, балки гап асосий белги саналади. Бу нутқимиз сатҳида гапнинг ўзига хос мақомини, унинг бошқа бирликлардан (масалан, сўз, сўз бирикмаси ва ҳ.к.) фарқини аниқ ва равshan намоён этади<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар тил билан мантиқнинг ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатади. Аммо бу билан мантиқ ва тил категориялари қоришиб кетади, демоқчи эмасмиз, албатта. Чунки мантиқнинг ҳам, тилнинг ҳам фақат ўзига хос бўлган қонуниятлари мавжуд. Шунинг учун синтактик категорияларни мантиқ категориялари нусхаси сифатида талқин этиб бўлмайди. Ана шу боис ҳукм тушунчасини бу ўринда шартли деб билмоғимиз лозим. А.А.Потебня тўғри таъкидлаганидек, грамматик гап мантиқий ҳукм билан бир хил маъно касб эта олмайди<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, ҳукмнинг аниқ ва мукаммаллиги фақат нутқда аниқланади. Бунинг учун эса бир неча ҳукм ўзаро муносабатда олиб таҳлил этилади. Шунинг учун анъанавий мантиқда муайян бир ҳукмни нутқдан ташқари ҳолатда олиб таҳлил қилиниши бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолди.

Бугунги кунда анъанавий грамматикаларда берилган синтактик қурилмалар таҳлилидан ўзгача таҳлил материалларига эҳтиёж туғилганлиги сабабли одатдаги семантик ва синтактик таҳлиллар доираси

<sup>2</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. –М.: Высшая школа, 1973. – С. 49-59.

<sup>3</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике, т.1-2.-М., 1958. – С. 42-47.

<sup>4</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике, т.1-2.-М., 1958. – С. 68-69.

анча кенгайди. Бошқача айтганда, матн лингвистикаси масаласи кун тартибига асосли равишда кириб келди. Бунинг асосий далили сифатида ҳозирги лингвистик тадқиқотларда ўзаро боғланишили бўлган бир неча синтактик қурилмалар нутқнинг яхлит бир бўлаги сифатида талқин этилаётганини кўрсатиш мумкин.

Нутқда ўзаро боғлиқ бўлган гапларнинг семантик ва синтактик муаммоларини ўрганишда мазкур гапларни алоҳида олмай, ҳар бирини бошқалари билан боғлиқ ҳолда талқин этилгандагина уларнинг маъно тугаллиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Бундай вазиятда мазкур гапларнинг нафақат маъно тугаллиги, балки синтактик хусусиятларининг ҳам анча мукаммал изоҳланиши учун имконият яратилади. Масалан, маълум бир нутқ парчасида *намойиши* хусусида фикр билдирилаётган бўлса, *намойишичилар* (демонстранты) сўзи бундай матн учун субъект вазифасини ўтайди, зотан, мазкур сўз бир ўринда гапда ўзининг аслий шаклида, бошқа гапларда эса олмош билан (масалан, *улар*, *ўзлари* олмошлари), ўзга бир синонимик сўз билан (масалан, *кишилар*, *одамлар*, *халқ*) ифодаланади ва ҳар сафар гапда бу тушунчанинг мавжудлигини хис этамиз.

Матн компонентлари таркибида бирор сўз ёки бирикманинг бу тахлит қўлланиши нафақат семантик, балки синтактик вазифа ҳам бажаради. Чунки мазкур сўз олдинги гапда грамматик эга вазифасида келса, кейинги гапларда тўлдирувчи, аниқловчи бўлиб қўлланилиши ҳам мумкин<sup>5</sup>.

Ана шулардан келиб чиқиб, ўзбекча матнларни синтактик ва прагматик таҳлили бобида ҳали ўз ечимини кутаётган жуда кўп жумбоқлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

#### **Назорат саволлари:**

1. Матнда ифодаланадиган радикал семантик муносабат ҳақида тушунча.
2. Матнда ифодаланадиган бевосита, тўғридан-тўғот семантик муносабат хусусиятлари.
3. Мантиқ ва тил категорияларининг ўзаро алоқаси ҳамда фарқли томонлари.
4. Ўзбекча матнларнинг синтактик ва прагматик таҳлили ҳақида.

---

<sup>5</sup> Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги (услубий қўлланма). – Самарқанд, СамДУ нашри, 2006. – Б. 58-62.

## 8-маъруза

### МАТН ВА МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

*Таянч сўз ва иборалар: матн, қўшма гап, мураккаб синтактик қурилма, период, содда период, мураккаб период, туб структура, предикатив марказ.*

Маълумки, тил бирликлари ўз ички табиатига кўра доим ўзидан катта бирликлар сатҳида синтактик фаоллик касб этади, яъни фонема морфема ёки сўз сатҳида, морфема сўз сатҳида, сўз гап қолипида, гап эса матн доирасида нутқий фаолликка эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирча синтаксисда, умуман матн тилшунослигида қўлланилиб келган “қўшма гап” терминининг маълум даражада изоҳталаб эканидан далолат беради. Гап шундаки, қўшма гап дейилганда гапнинг ўша гап ичида синтактик фаоллик касб этаётганидек тасаввур уйғотади. Бу эса тил бирликларининг поғонали муносабати қоидасининг қўпол равища бузилишига олиб келади.

Масаланинг бу таҳлитда ҳал этиб келинаётгани нотўғри эканлиги тилшунослар алоҳида таъкидлаб келмоқдалар. Масалан, М.В.Ляпоннинг фикрича, “Кўшма гап икки ёки ундан ортиқ нисбий тугалланган (коммуникатив маъноли) хабар парчаларини ташкил этувчи гапларнинг ўзаро онгли равищдаги бириқуви натижасини тақозо этар экан, унинг структурасида матнга хос жиддий белгилар мавжудлигидан келиб чиқмоғимиз ва буни эътироф этмоғимиз лозим”<sup>1</sup>.

Бундай фикр ва мулоҳазалар проф.Н.Турниёзов ва унинг шогирдлари томонидан ҳам айтилмоқда. Масалан: “Тилшуносликда азалдан қўлланилиб келаётган “қўшма гап” терминини мақсадга мувоғик деб бўлмайди. Чунки қўшма гап деганимизда, биринчидан, гапларнинг қўшилаётганини (бириқаётганини) тушунсак, иккинчидан, янги мураккаб тузилишли қурилманинг ҳосил қилинишини ҳам англаймиз. Бундай мураккаб қурилма матн тушунчаси билан тенглашади”<sup>2</sup>.

Шуни эътиборга олиш лозимки, рус тилшунослигида “қўшма гап” (“сложное предложение”) терминидан ташқари “мураккаб синтактик бутунлик” (“сложное синтаксическое целое”) атамасидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, рус тилшунослигида гапдан юқори бундай тил бирликларини ифодалаш учун “сверхфразовое единство” (“фразадан юқори бутунлик”) термини ҳам қўлланади. Бунда ҳам бир неча гапнинг матн таркибида яхлит синтактик бутунлик тарзида намоён бўлаётганлиги англашилади.

Шу билан бирга матн тилшунослигида *n e r i o d* термини ҳам қўлланиб, унинг таркибида содда гаплар ҳам, қўшма гаплар қатнашиши

<sup>1</sup> Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. – М.: Наука, 1983. – С. 8.

<sup>2</sup> Турниёзов Н., Турниёрова К. Функционал синтаксисга кириш. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 89.

мумкинлиги таъкидланмоқда. Жумладан, ақад.Ғ.Абдураҳмонов периодга қуидагича таъриф беради: “мураккаб составли гапларда маълум бир мазмун муносабати ифодалангани, оҳангда тугаллик бўлгани учун, бу хил гап қурилмалари ўзига хос белгига эга бўлади ва улар п е р и о д деб номланади... Период тузилиши, оҳангни, мазмунига кўра яхлит бир бутунликни ташкил этади, бу хил бутунликлар содда ёки мураккаб бўлиши мумкин: агар улар бир хил, бир турдаги гаплардан тузилса (масалан бир неча эргаш гапли қўшма гаплар, бир неча содда гаплардан тузилган боғланган ёки боғловчисиз қўшма гаплар ва ҳоказо), с о д д а п е р и о д дейилади, агар бу бутунлик турли хил гаплардан тузилса (масалан, эргаш гапли қўшма гап ва боғловчисиз қўшма гап бирикмаси каби), м у р а к к а б п е р и о д дейилади”<sup>3</sup>.

Таъкидлаш керакки, период шаклан “фразадан юқори бутунлик” (“сверхфразовое единство”), яъни жумла ёки гапдан катта бирликдан қарийб фарқланмайди. Зотан “фразадан юқори бутунлик” ҳам гаплар мажмуасидан ташкил топади ва бунда ҳар бир гап иккинчиси билан мазмунига кўра боғланган бўлади. Кейинчалик А.Мамажонов ўзбек тилидаги периодлар муаммосини маҳсус тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган<sup>4</sup>. М.Абдупаттоев эса матн таркибидаги грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган нисбий мустақил гапларнинг семантик жиҳатдан бирикувидан ташкил топган синтактик қурилмаларни суперсинтактик бутунлик (ССБ) деб номлаган эди<sup>5</sup>. Масалан: “Ҳаво совуқ, осмонда захардек аччиқ қор учқунлари эринчоқ кезади. Қўчаларни ойнадек муз босган, машиналар эмаклагудекқўрқа-пуса имиллайди. Нафас олсанг оғзингга совуқ олов кираётгандай бўғзингни ачишиширади. Одамлар тойгоноқда йиқилиб майиб бўлмаслик учун эҳтиётлаб қадам босади” (Ў.Хошимов).

Юқорида яхлит ССБ келтирилган бўлиб, у тўртта нисбий мустақил гапдан ташкил топган, шулардан учтаси қўшма гап, биттаси эса содда гап кўринишидадир. Бу гаплар грамматик ва семантик жиҳатдан боғланган ҳамда ягона бир мавзуни – қиши пайтидаги пейзаж тасвирини ёритишга хизмат қилиши билан характерланади. Шунга кўра, Л.М.Лосева ана шундай кўринищдаги ССБларни таҳлил қилас экан, “ҳар бир ССБ бу ўз бошланиши, ривожи ва тугалланмасига эга бўлган миниатюра ҳолидаги ҳикоя (матн)дир”, - деб тўғри таъкидлаган эди<sup>6</sup>.

Аслида, терминлар сонини кўпайтириш орқали матн таркибидаги гапдан юқори бундай лисоний бирликлар табиатини очишда салмоқли ютуқларга эришиш қийин. Бир неча гапларнинг, шу жумладан мураккаб синтактик қурилмаларнинг бирикувидан ташкил топган бутунликни бир

<sup>3</sup> Абдураҳмонов Ғ.. Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис). - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 232.

<sup>4</sup> Мамажонов А. Периоды в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 22 с.

<sup>5</sup> Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. НДА. – Тошкент, 1998. – 23 б.

<sup>6</sup> Лосева Л.М. Как строится текст. – М.: “Просвещение”, 1980. – С. 13.

йўла матн деб, агар у матн ичидан берилган бўлса, матн компоненти деб аташ мақсадга мувофиқ, деган фикрдамиз.

Шундай қилиб, икки ва ундан ортиқ гапларнинг ўзаро семантик ва синтактик жиҳатдан боғланишидан ташкил топган бутунликни мураккаб синтактик қурилма деб аташ тил бирликларининг поғонали (иерархик) муносабати қонуниятига мос келади. Бунда яхлит матнни ҳосил қилувчи қўшма гапнинг teng боғланишли ва эргаш боғланишли ҳар икки тури ҳам мазмунан тўлиқ сақланган бўлади:

1. *Кўп вақт ўтмай, қирқ тўрт йил Форсу Ироқда давру даврон сурган, Шоҳ Шужсоъ билан Шоҳ Маҳмуд хабар олмаганларидан хайрон, охир оқибат – ҳамма бало ўзи ардоқлаб вояга етказган суюкли ўғилларидан келганилиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, дунёдан беҳабар Амир Муборизиддин зинданда, азоб-уқубатлар чангалида бандаликни бажсо келтирди* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 67).

2. *Шоҳ Шужсоъ тантанавор юришини тўхтатмади, Табризга бориб қудасининг маъракасида қатнашиди, кейин Қазвинни олди ва Исфахонга қараб от сурди* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 69).

3. – *Юзингизга солиб ўлтирмаимен, эй падари бузруквор! Бўлар иши бўлди! Бундан наф йўқ! – Султон Аҳмад жалойир газабини зўрга тийди. – Шоҳ Шужсоънинг шундай разилу номард эканлигини билардим!.. Билардмс! Падаркуш-ку у! Мана, қудачиликнинг оқибати!.. Шунчалар ғофилман-амен галварс!!.. Хонавайрон бўлдук! Хонавайрон бўлдук!* (Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 58).

4. - *Кўй, қизим, қўй. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Шундоқ бўлишини билган эдим. Аммо эринг уруши кўрди, мусофиричилек кўрди, ўлини топиб олгандир, деб ўйлаган эдим. Бўлмати-да* (Сайд Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган мисолларда компонентлари teng боғланаётган мураккаб синтактик қурилмалар мавжуд. Компонентлари teng боғланаётган мураккаб синтактик қурилмаларда икки-учтадан мустақил предикатив марказ мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири орқали тасвирланаётган воқеликка алоҳида аҳамиятга эга бўлган муносабат билдирилмоқда. Бунинг асосий боиси ҳар икки компонент ҳам ўзича мустақил ҳолда туб структурага эга эканлигидадир. Охирги мисолда эса матн таркибида тўртта предикатив марказ иштирок этмоқда.

Айни пайтда туб структура дейилганда, гапнинг синтактик жиҳатдан шаклланиши учун асос бўлаётган структурани тушунилади. Бошқача айтганда, туб структура – бу катта синтактик структуранинг вужудга келиши учун пойдевор (асос) вазифасини бажарувчи семантик структурадир. Бундай структура мавхумлик белгиси билан характерланади. Зотан, унда синтактик структурада тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар кузатилади.

Эргаш боғланишли компонентлар муносабатига асосланган мураккаб синтактик қурилмалар таркибий қисмларининг бири (келтирилган учинчи мисол) хабар ифодасида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бу компонент

ўзига эргашиб келаётган иккинчи компонентга нисбатан семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам устувор аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мураккаб синтактик қурилмани ягона туб структура асосида шаклланишга олиб келади. Тобе компонент ҳам маълум бир туб структурага асосланса-да, бу структура матннинг синтактик жиҳатдан шаклланишида иккинчи даражали аҳамият касб этади. Қиёсланг: ...*ёқди шекилли --- қулиб қўйди*.

Юқоридагилардан ташқари, мураккаб синтактик қурилма тенг ёки эргаш боғланишли компонентлар муносабатининг қайси бирини тақозо этишидан қатъий назар, унда устпредикативлик белгиси бўлади. Бошқача айтганда, мазкур қурилма компонентларининг алоҳида предикативлик белгилари асосида мазкур микроматнинг умумий предикативлик белгиси юзага келади<sup>7</sup>. Буни мураккаб синтактик қурилманинг воқеликка билдираётган муносабати орқали изоҳлаш мумкин. Дарҳақиқат, мураккаб синтактик қурилмада воқеликка билдирилаётган муносабат яхлитланган ҳолатда кўзга ташланади: *Йиқилиб ҳолсиз ётган Шоҳ Мансурдек мард жсангчини ўлдиришидан орланмаган, совга-инъомлар кутиб турган майманалик амирни дарҳол тутиб қатл этишиларини, мол-мулкини эса мусодара қилишиларини буюрди* (Мухаммад Али. Мироншоҳ Мирзо, 209).

Мураккаб синтактик қурилма компонентларининг ҳар бири нисбий хабар ифодасини беришга қодир экан, бундай қурилмаларни матн характерига эга дейиш мумкин. Шунинг учун уларни микроматн тарзида, яъни кичик матн тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўринадики, мамлакатимизда матн тилшунослигида соҳасида, жумладан матн ва мураккаб синтактик қурилма мақомининг ўзаро муносабатини ўрганиш соҳасида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, Самарқандда проф.Н.Турниёзов томонидан асосланган матн деривацияси муаммоларини тадқиқ этиш илмий мактаби бу соҳада бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда Самарқандда “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари”, “Систем-структур тилшунослик муаммолари”, “Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси” мавзуларидаги республика илмий-назарий анжуманларининг ўтказилиши ҳамда “Структур синтаксис асослари” номли монографиянинг нашр этилиши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

#### **Назорат саволлари:**

- 1.”Мураккаб синтактик қурилма” термини ҳақида тушунча.
2. Матннинг мураккаб синтактик қурилма билан ўзаро муносабати.
3. Матнда периодларнинг қўлланиш хусусиятлари.
4. Гап ва матннинг синтактик таҳлили орасидаги умумий ҳамда фарқли ҳолатлар.

<sup>7</sup> Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2008. – Б. 42-44.

## 9-маъруза

### МАТН ТАРКИБИДА НООДАТИЙ БИРИКМА- ЛАРНИНГ ГРАММАТИК СТРУКТУРАСИ

**Таянч сўз ва иборалар:** сўз бирикмаси, тургун сўз бирикмалари, фразеологизмлар, ноодатий бирикмалар, оксюмаронли бирикмалар, оксюмаронларда предикатив муносабат.

Маълумки, тил системасида сўзлар ўзаро турли-туман алоқага киришади. Сўзларнинг тобеланиш йўли билан ўзаро боғланиши ҳам ана шу тизимнинг жуда муҳим қисмини ташкил этади. Икки ва ундан ортиқ мустақил сўздан тузилиб, тобеланиш алоқаси асосида бир грамматик бутунлик, семантик яхлитликни ташкил этган ҳар бир комплекс сўз бирикмаси саналади. Сўз бирикмасини ташкил қилган компонентлар мустақил маъноли сўзлар бўлиб, ўз маъноларини сақлаган ҳолда бошқа бир бирикмани ҳосил қилишда иштирок этади. Агар бир сўз бирикмаларини уларга яқин, ёndoш бўлган бошқа бир тил ҳодисаси – турғун сўз бирикмалар ёки фразеологизмлар билан чоғиштириб кўрсак, фразеологизмлар деб аталган бирликни ташкил этувчи сўз (компонент)лар ҳаммаси бирлашибгина яхлит, бир бутун маънони (лугавий, лексик маънони) ифодалайди ва у кўпинча синтактик қисмларга бўлинмайди<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, турғун бирикманинг формал томони эмас, балки ўша бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг жами, йифиндиси яхлитликда бутун бир маънони ифодалайди: қулоқ осмоқ – тингламоқ, ҳолдан тоймоқ – чарчамоқ, кўзига қарамоқ – эҳтиёт бўлмоқ кабилар.

Сўз бирикмасини ташкил этган компонентлар бирор марказий сўз атрофига уюшади, сўзга ўхшаб сўз ўзгариш тизими билан боғлиқ бўлади. Сўз бирикмаси ўз таркибидаги ҳоким компонентнинг қайси сўз турпкумига киришига қараб от бирикма (*бу йигит, чиройли боғ, ўқиган талаба, онамнинг рўмоли каби*), феъл бирикма (*болани чақирмоқ, яёв юрмоқ каби*), равиш бирикма (*овоздан тез, ўқдан тез каби*) сингари турларга бўлинади. Шу билан бирга сўз бирикмалари тобе компонент қандай синтактик вазифани бажаришига қараб атрибутив бирикма (*яхши бола, чиройли куйлак каби*), қаратқичли бирикма (*унинг орзуси, бобомнинг ҳассаси каби*), ҳолли бирикма (*тез юради, эртага боради каби*), тўлдирувчили бирикма (*уни топдим, ундан олдим каби*) сингари гурухларга ажратиб тасниф қилинади<sup>2</sup>. Ўзбек тилида ноодатий бирикмалар ҳам худди ана шундай тобе-ҳоким бўлакларнинг муносабати асосида шаклланади, яъни ноодатий бирикмаларнинг шаклланиш жараёни, формаси тилдаги сўз бирикмаларига мос келади, лекин ифодалайдиган маъно, семантик муносабат ноодатий характер касб этади, яъни “предмет

<sup>1</sup> Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 23.

<sup>2</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 30-72.

ва унинг белгиси” семантик муносабати кутилмаган маъно қирраларига эга бўлади.

Кузатишлар шундан далолат берадики, ноодатий оксюмаронли бирикмалар матн таркибида асосан икки компонентдан иборат бўлади ҳамда ўзаро атрибутив муносабатга киришади ҳамда *сифат* + *от*, *сифатдош* + *от*, *от* + *от*, *сон* + *от* сингари грамматик моделлари асосида тузилади, яъни ноодатий бирикмаларнинг асосий қисми отли бирикмалардир. Ўз вақтида таниқли рус тилшуноси П.А.Лекант томонидан айтилган қуйидаги фикр бевосита ўзбек тилидаги ноодатий бирикмалар тизимиға ҳам мувофиқ келади: “Предмет ва унинг белгиси” семантик моделли сўз бирикмалари учун асосан атрибутив муносабатлар характерлидир”<sup>3</sup>. Олиб борилган статистик таҳлиллар тилимиздаги барча ноодатий оксюмаронли бирикмаларнинг 52 фойизини атрибутив муносабатли бирикмалар ташкил этишини кўрсатди. Шу билан бирга тилимизда феълли ноодатий бирикмалар ҳам бор. “Сўз эстетикаси” номли рисола муаллифлари бундай бирикмаларни “ғайриодатий бирикмалар” деб номлаб, уни қуйидагича изоҳлайдилар: “Ғайриодатий бирикмалар ...”мутлақо индивидуал фикрларни” индивидуал ҳолатда ифодалаш воситаларидан биридир. Одатий бўлмаган бирикмалар ўзларининг “янгилиги”, индивидуаллиги ва айни ғайриодатийлиги билан тезда дикқатни ўзига тортади. Китобхон беихтиёр бундай бирикмалар устида ўйлай бошлайди, натижада ёзувчининг ниятига чукурроқ тушунади. Шунинг учун ҳам одатий бирикмаларга қараганда, ғайриодатий бирикмалар бадиийлик нуқтаи назаридан кўпроқ аҳамиятлидир”<sup>4</sup>. Масалан, шоир Мақсуд Шайхзоданинг “Шоир қалби дунёни тинглар” шеъридан олинган қуйидаги парчага эътибор қаратайлик:

*Товушларнинг кичик, улуғи,  
Товушларнинг ҳиди – бўйи бор.  
Товушларнинг совуқ, илиғи,  
Товушларнинг ранги-рўйи бор.  
Товушларнинг ширин-аччиғи,  
Бордир ҳатто юмшоқ, қаттиғи.  
Шоир рассом бўлсайди агар,  
Чизар эди шундан лавҳалар.*

Юқорида келтирилган шеърий парчада *товушларнинг кичиги*, *товушларнинг ҳиди*, *товушларнинг совуғи*, *товушларнинг ранги*, *товушларнинг ширини*, *товушларнинг юмшоги* каби бирикмалар ғайриодатийлиги, “янгилиги”, ноодатийлиги билан матн таркибида алоҳида ажралиб туради.

Ноодатий бирикмалар грамматик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Биз тўплаган материалларда сифат + от моделли икки компонентли атрибутив бирикмалар оксюмаронни шакллантиришга кўпроқ хизмат

<sup>3</sup> Лекант П.А. Современный русский литературный язык. – М., Высшая школа, 1988. – С. 263.

<sup>4</sup> Абдураҳмонов X., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 40-41.

қилади. Масалан, ўзбек тилида форсча-тожикча “ширин” сўзи “шакар, бол, қиём ва шу кабиларнинг таъмига оид” маъносини билдиради (ЎТИЛ-5, 1У, 579). Шунга биноан бу сўз ижобий баҳоли сўзлар билан келиб, *ширин олма, ширин сўз, ширин жон, ширин сұхбат* сингари бирикмалар ҳосил қилади. Худди шу қолипдаги бирикма зид маъноли сўзлар билан ҳосил қилинса, ноодатий, оксюмаронли бирикма вужудга келади: *ширин дард, ширин гам, ширин ўлик, ширин азоб, ширин ситам, ширин қийинчилек* каби. *Оксюмарон // оксиморон* сўзи юононча (*охутогон* – закий нодон) бўлиб, қарама-қарши маъноли сўзлардан фавқулодда янги мазмун келтириб чиқаришга асосланган қўчим туридир. Оксюмарондаги мана шу хусусият унга кучли образлилик бахш этади<sup>5</sup>. Масалан: “- *Отахон жсаннати одам эканлар. Жуда ширин ўлик бўптилар*“ (Сайд Аҳмад. Лаб ҳақида достон) кабилар.

Ёзувчи Назар Эшонқул ижодидаги “*бадбахт чехралар*” ноодатий бирикмаси ҳам худди шу модел асосида шаклланган, оксюмаронли, ноодатий бирикмадир:

*Бадбахт чехралар* – Худди қора чимматининг пардасини кўтариб, юрагингизни ўрташ учун сизга бир қараб қўйган гўзал форс қизи янглиғ унинг мавхум, ҳалқалари бир-бирини зўрға ушлаб турган занжирдай узундан-узун жумлаларининг юзидағи никоби остидан баъзан менга улуғ ёзувчининг бадбахт чехралари кўриниб кетарди<sup>6</sup>.

Хозирги ўзбек шеъриятида фаол қўлланилаётган “*дилбар сукунат*”, “*дилбар коинот*” сингари ноодатий бирикмалар ҳам худди шу модел асосида шаклланган: *Сукут. Сукут. Дилбар сукут // Қалбда хаяжон* (Ш.Салимова); *Сен борсан – мен учун гўзал бу ҳаёт // Сен борсан – мен учун дилбар коинот* (А.Орипов) кабилар.

Ўзбек тилида *сифатдош + от* моделли икки компонентли атрибутив бирикмалар ҳам ноодатий оксюмаронли бирикмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Масалан, “*бақирмоқ*” феъли “*овозни борича қўйиб, шангиллаб гапирмоқ, қичқирмоқ*” маъноларини билдиради (ЎТИЛ-5, 1, 187). Бу сўз сифатдош қўшимчасини қабул қилгач, *бақирган киши, бақирган бола, бақирган талаба* сингари бирикмалар таркибида аниқловчи вазифасини бажаради. Шу модел асосида шоир Рауф Парфи “*бақирган сукунат*” ноодатий бирикмасини ҳосил қилган эди.

Ўзбек тилида қаратқичли аниқловчи + қаралмиш моделли атрибутив бирикмалар ҳам оксюмаронлар кенг қўлланмоқда. Масалан:

*Ҳасрат боғи* – Ўзбекистон Халқ шоири Шукурулло асари асосида қўйилган “*Ҳасрат боғи*” спектаклидаги воқеалар, фалсафий мулоҳазалар тоталитар тузум зуғумларини ўз тақдирида синаган халқ шоири ва

<sup>5</sup> Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 172.

<sup>6</sup> Н.Эшонқул. Маймун етаклаган одам, киссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Ишда ёзувчи Назар Эшонқул асарларидан олинган мисоллар шу нашрдан келтирилади, қавс ичida “Н.Эшонқул” кисқартмаси қўйилади.

драматург умр дафтарининг мазмуни десак муболаға бўлмас (Исломов Т. Хасрат боғи // ЎзАС, 14.07.2006).

*Виждан қўнгироги* – Неъмат Аминов адабиётда, ҳаётда *виждан қўнгирогини* мардона чалиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Бу бебаҳо ва беозор қўнғироқ устозни билганлар, кўрганлар ва асарларини ўқиб-уқиганлар қалбида, хотирасида ҳамиша акс-садо бериб туришига ишонамиз (Жўраев А. Устознинг тилло табассумлари // ЎзАС, 14.07.2006).

*Оғриқ лаззати* – сарлавҳа. Ёзувчи Назар Эшонқул ўз ҳикояларидан бирига шундай оксюмаронли сарлавҳа қўйган. “*Оғриқ лаззати* – энг олий лаззат, - деб ёзишарди маҳкумлар билан қилинган суҳбатларда, - бу лаззатни фақат оғриққа маҳкум бўлгач сезиши мумкин” (Н.Эшонқул); *Оғриқ фарогати* – Шундагина биз *оғриқ фарогатидан* сўнг ҳам унинг ўзимиз турган заминга тушмаганини англалик – у нариги ёқда, *лаззат ютида* қолган эди – унинг жонсиз танаси ҳам санъат асарига айланган ва яшноқ гулларга кўмилиб ётарди (Н.Эшонқул) кабилар.

Бундай қаратқичли бирикмаларнинг айримлари уч ва ундан ортиқ компонентли мураккаб ноодатий бирикмалардир: *Рўёдай омонат умидсизлик панжаралари* – Шунда сенинг кўнглинг дилбар, латиф, орзуманд туйғулар билан тўлади ва ҳаётингни бошқатдан бошлагинг, кўз олдингдаги *рўёдай омонат умидсизлик панжараларини* парча-парча қилиб ташлагинг келиб қолади (Н.Эшонқул); *Сирли фалак қалъаси* – Сенга менинг бу оху воҳларим етмайди. Сен ҳаёллар ҳам етиб боролмайдиган *сирли фалак қалъасига* яширингансан (Н.Эшонқул) кабилар.

Ўзбек тилида объектли муносабатга асослаган ноодатий бирикмалар ҳам маълум даражада учрайди. Масалан, шоир М.Абдулҳакимов ижодида “*оғриқларни севиб қолганман*” ноодатий бирикмаси кўзга ташланади. Бу бирикмада ҳоким компонент ўтимли феъл (*севиб қолмоқ*) ўзидан олдин тушум келишигидаги тўлдирувчи (*оғриқларни*) ни талаб қилган ва шу асосда объектли муносабат асосида тўлдирувчили бирикма шаклланган.

Тилимизда объектли муносабатга асосланган айрим ноодатий бирикмалар ҳам шаклланиб бормоқда, бунда бадиий таржималарнинг улуши каттадир. Масалан, рус шоири Е.Евтушенко ижодида “*очлик билан тўқман*” ноодатий бирикмаси учрайди. А.Ахматовада эса “*увос тортиб ширин ийглайман*” ноодатий бирикмаси ҳосил қилинган.

Шоир Рауф Парфининг “Мұхаббат” шеъридан олинган қуйидаги матнга диққат қиласайлик:

*Лов-лов ёнаёттир қуёши – ул најсом,  
Осмон чорлаёттир, чорлар юксак тоғ.  
Шундай юрагимда товуисиз фарёд,  
Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ..*

Бу шеърий матнда *товуисиз фарёд* ноодатий бирикма саналади, негаки бу бирикмани ташкил этувчи сўзлар (*товуш* ва *фарёд*)нинг маънолари бир-бирига зид, яъни форсча-тожикча “фарёд” сўзи “меъридан ортиқ овоз билан нола (қилиш), дод солиб йиғлаш, додлаш” маъноларини

билдиради (ЎТИЛ-5, 1У, 325-326), “овоз, садо, сас” маъноларини билдирувчи “товуш” (ЎТИЛ-5, 1У, 130)нинг зиди бўлган “товушсиз” сўзи эса унга аниқловчи сифатида қўлланган ҳамда яхлит сўз бирикмаси ҳосил қилинган. Ана шунинг ҳисобига бу сўз бирикмаси ноодатий бирикмага айланиб матнда кучли эмоционалликни ифодаловчи асосий воситалардан бирига айланган.

*Бокс оқармоқда* - ...бир ҳамкасбимиз ака-ука Кличколарни назарда тутиб “*Бокс оқармоқда*” дея ёзганидай, биз ҳам юқоридаги сарлавҳани танладик. Лекин гап, билсангиз ва эътибор қилсангиз, рингда ҳам, рангда ҳам эмас... (ЎзАС, 14.07.2006).

*Ухлаётган баҳтни уйғотинг* – “ЎзАС”нинг 9 июнь сонида чоп этилган Дамин Жўрақуловнинг “*Ухлаётган баҳтни уйғотинг*” мақоласида ёзилганидек, инсон ўз вақтининг қули эмас, жиловдори бўлиши зарур. Чунки бехуда ўтган ҳар бир дақиқамиз қайтмайди (ЎзАС, 14.07.2006).

Шундай қилиб, ўзбек тилида ноодатий бирикмалар асосан атрибутив, қаратқичли, обьектли муносабат асосида шаклланади, айрим ноодатий бирикмалар эса содда гап қолипли предикатив муносабат асосида юзага келган ҳамда ноодатий бирикмаларнинг барча структурал кўринишлари бадиий, публицистик матнларда фаол қўлланиши билан характерланади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Сўз бирикмаси ва унинг турлари ҳақида тушунча.
2. Эркин сўз бирикмаси ва турғун сўз бирикмаси орасидаги муносабат ҳақида.
3. Ноодатий бирикма ва унинг грамматик структураси ҳақида.
4. Матнларда ноодатий бирикма (оксюмаронли бирикма)ларнинг қўлланиш хусусиятлари.

## **10-маъруза**

### **МАТН КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ПОГОНАЛИ МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА**

**Таянч сўз ва иборалар:** матн компонентлари, якка сўз ва матн, сўз бирикмаси ва матн, гап ва матн, матнда погонали муносабат, мураккаб синтактик қурилма ва матн, абзац ва матн.

Хозирги кунга келиб матн лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланди, бу соҳада янгидан-янги умумлашмалар қилинмоқда. Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожида таниқли олим, проф. Б.Турсуновнинг алоҳида ҳиссаси бор эди. Худди шу олим ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида матн таҳлилига бағишланган бир неча марта

халқаро ва республика илмий анжуманлари ўтказилган. Шулардан 1998 ва 2000 йилларда уюштирилган илмий анжуманлар ўз қўлами жиҳатдан матн лингвистикаси тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Бу анжуманларнинг бирида проф.Б.Турсунов иловали қурилмаларни матннинг синтактик-стилистик категорияси сифатида ўрганиш ҳамда уларнинг матндаги поғонали муносабати ҳақида муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирган эди<sup>2</sup>.

Аввало шуни айтиш керакки, матн бир сўздан, сўз бирикмасидан, ва бир гапдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бундай матнларнинг биринчиси бир компонентли бўлади. Бунга маҳсус қўлланишли сўзлар мисол бўла олади. Масалан: 1. “Сароб”, “Сумбул”, “Турналар”, “Аяжонларим”, “Диёнат”, “Умид”, “Хукм”, “Уфқ”, “Гилдирак”, “Садоқатнома”, “Муҳаббатнома”, “Куёв”, “Жимжитлик”, “Алломии” – бадиий асарларнинг номлари (идеонимлар ёки библионимлар); 2. “Тошкент”, “Ўзбекистон”, “Лондон” – хариталар номлари ва ҳ.к.

Сўз бирикмаси орқали ифодаланган матн ҳам кўпроқ бирор санъат асарининг номи (идеоним) сифатида воқеаланади: *От билан суҳбат; Кўҳна дунё; Улугбек ҳазинаси; Қайтар дунё, Юлдузли тунлар* кабилар.

Айни пайтда бундай матнлар икки компонентли саналади ва бу орқали бир сўзли матндан фарқланади. Бироқ сўз бирикмаси билан ифодаланган матн фақат икки компонентли эмас, балки кўп компонентли бўлиши ҳам мумкин: *Менга етиб келмаган хат; Икки эшик ораси; Тушда кечган умрлар; Она лочин видоси; Беш болали йигитча; Қишидан қолган қаргалар; Дайди қизнинг дафтари* - бадиий асарларнинг номлари.

Гап орқали ифодаланган матн компонентлари вазифасида ҳам сўзлар қатнашади: *Сени Ватан кутади. Ўзбекистон – мустақиллик диёри* кабилар.

Лекин матн тилшунослиги муаммоларини бир сўзли, бирикма ёки бирор содда гап билан ифодаланган матнлар асосида ўрганиш, унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай матнларга таяниб тил системаси бирликларининг нутқقا кўчирилишига оид масалалар тавсифини мукаммал ҳолатда амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, кичик матнлардан микро- ва макросистема ҳақида, матн компонентларининг семантик ва синтактик боғланиши хусусида ҳам тўлиқ маълумот ололмаймиз. Шунинг учун матн тилшунослиги масалаларини катта матнлар, ҳеч бўлмаганда, матн мақомидаги мураккаб синтактик қурилмалар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. М.Абдупаттоев

<sup>1</sup> Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции 28-30 сентября 1998 года. – Самарканд: СамГУ, 1998. – 254 с.; Матн ва унинг талқини (хвлқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2000. – 255 б.

<sup>2</sup> Турсунов Б.Т. Ягона синтактик-стилистик категория остида // Матн ва унинг талқини (хвлқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарканд: СамДЧТИ нашри, 2000. – Б. 10-14.

бундай синтактик қурилмаларни суперсинтактик бирлик (ССБ)лар термини билан номлаган эди<sup>3</sup>. Проф.Ё.Тожиев түғри таъкидлаганидек, “нұтқ албатта, сўз-гап, гап, қўшма гап кўринишлари, ундан юқорироқ, мураккаброқ бўлган, масалан, абзац, период, суперсинтактик бутунлик, мураккаб синтактик бутунлик, фраза ёки жумла, оят каби нутқ бирликларидан ташкил топганлиги ҳам ҳаммага маълум. Факат, шуни айтиш керакки, ҳозирги тилшуносликда *суперсинтактик бутунлик* моҳияти билан матн моҳияти (уларга берилаётган таърифлар, изоҳлашлар) бир хилдек. Уларнинг туб фарқи ҳажмдами ёки бошқа жиҳатлардами эканлиги ҳам аниқ ҳал этилмаган”<sup>4</sup>.

Ҳозирги замон тилшунослигига матн компонентлари таснифи масаласи ҳам анча мураккабдир, чунки мустақил сўздан бошлаб, гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац, боб кабиларнинг барчаси матн компонентлари жумласига киради ва улар матн таркибида поғонали (иерархик) муносабатга киришади. Қуйида ана шулардан баъзиларига тўхтаб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланганда унинг компоненти вазифасида мустақил сўз келади. Масалан, “Юлдузли тунлар”, “Чаён иши”, “Хижрон кунларида”, “Йиллар армони”, “Ёшлик девони”, “Истамбул фожиаси”, “Мунгли кўзлар”, “Жаннати одамлар”, “Уфқ бўсагасида”, “Келинлар қўзголони”, “Авлодлар довони”, “Чотқол йўлбарси” сингари сўз бирикмаси орқали ифодаланган матнларни икки компонентли деб атаймиз.

Матн компоненти сўз бирикмаси тарзида келиши ҳам мумкин. Лекин сўз бирикмасини бирор жиддий зарурат туғилгандагина матн компоненти тарзида ўрганилади. Одатда катта матнлар бир нечта гапдан ташкил топган бўлади. Шунинг учун гап матннинг асосий компоненти саналади: *Айвонда китоб ўқиб ўлтирган Гавҳаршод бегим гоҳо саҳифалардан кўзини олиб, ўша тоғлар атрофида ўралашидиган булутларга ўйчан тикилади. Баланд тоғ тизмаси устидан ошиб ўтолмайдиган оғир қора булутлар чўққилар бошига шамол бўрони келтириши, дўл ёғдериши бегимнинг қўлидаги Яздий “Зафарнома”сининг таҳликали воқеаларига ўхшаб кетади* (П.Қодиров. Она лочин видоси).

Берилган матн икки компонентли бўлиб, бу компонентлар кетма-кет келмоқда. Агар мазкур матн компонентларининг ички қурилишини таҳлил этиш лозим бўлса, ҳар бир гапни алоҳида ўрганиш ва уларнинг нечта сўздан ташкил топаётганлигига эътибор берилади: Матннинг биринчи компоненти ўн олти сўзниг, иккинчиси эса ўттиз сўзниг ўзаро муносабатидан ташкил топмоқда. Айтиш лозимки, матн таркибига кирган барча гаплар бир-бири билан маъно жиҳатидан ҳам синтактик жиҳатдан ҳам боғланган бўлади. Аммо бу боғланишни гап таркибидаги сўзлар боғланиши билан тенгглаштирмаслик лозим. Чунки гап компонентларининг

<sup>3</sup> Абдулпаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. НДА. – Тошкент, 1998. – Б. 4-6.

<sup>4</sup> Тожиев Ё. “Матн”га ёндашув // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). Учикиши. – Тошкент: “Академнашр”, 2010. – Б. 200..

бири бош бўлак, бошқалари эса иккинчи даражали бўлак тарзида синтактик вазифа бажаради. Матн компонентларининг ўзаро боғланиши эса, биринчи навбатда гапларнинг маъноларига асосланади. Шунинг учун ҳам бунда “боғланишли нутқ” тушунчасидан фойдаланиш ўринлидир.

Мураккаб синтактик қурилма компонентлари ўзаро икки хил боғланади. Уларнинг бирини тенг боғланиш деб, иккинчисини эса эргаш боғланиш деб номлаймиз. Шунга биноан мураккаб синтактик қурилмаларни ҳам фарқлаб ўрганамиз:

1. *Турсунбой ювишиб уйга ўтиб кетди-да, бир оздан кейин кийиниб чиқди. У чинакам бирор ҳавас қиласа арзийдиган йигит бўлганди* (Сайд Аҳмад. Уфқ).

2. *Кучи, гайрати танига сизмайдиган бу йигит кўча эшиги олдида ўтириб, атайнин кучини кўрсатиб қўйини учун эшак қўшилган араванинг орқасидан тортиб юргизмай қўяр, қопдаги буздойми, унми, нима бўлса тиши билан кўтариб ирғитарди* (Сайд Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида компонентлари тенг боғланишли, иккинчисида эса компонентлари муносабатлари эргаш боғланишга асосланган мураккаб синтактик қурилмаларни кўрамиз.

Матн компонентлари вазифасида абзац ҳам келади. Абзац, албатта, том маънода матн саналади. Бироқ у катта матн таркибида унинг компоненти ҳисобланади, чунки матн таркибидаги фикр тугаллиги бир неча абзац сатҳида берилади. Абзац матн таркибида, хусусан, семантик жиҳатдан муҳим мавқега эгадир. Буни матнда ифодаланаётган умумий хабарнинг қисмларга бўлиб берилишида янада аниқроқ қўриш мумкин. Чунки ҳар бир абзац матннинг маълум бир мазмуний парчасини тақозо этади:

*Низомжон бирдан лоҳас бўлиб яна ёстиққа бош қўйди. Бадани гёё куйиб кетгандек бўлди. Бу одамларга ортиқча ташвииш бўлди-ку, энди кўрмагани шу қолдими?*

*Кўзи илиниб уйқуга кетди. Жаннат хола унинг устига Икромжоннинг тўнини ёпиб ёстигини тузатди. Низомжон гарқ терга пишган, чаккаларидан маржон-маржон тер қўйяпти* (Сайд Аҳмад. Уфқ).

Кўринадики, мисол сифатида берилган ҳар икки матн ҳам маъноларига кўра бир-бири билан боғланмоқда. Абзац катта матн таркибида қўлланилар экан, ўша матннинг умумий маъноси билан қандайдир йўсинда боғланган бўлади. Бундай боғланиш, юқорида стилистик усул тарзида кўриб ўтганимиз сингари, икки матн ўртасида кузатилмаслиги ҳам мумкин. Лекин ҳар бир абзац катта матнда ифодаланган умумий маънонинг қандайдир парчаси билан у ёки бу тарзда алоқадор бўлади.

Катта матн таркибида келувчи компонентлар ўз грамматик категорияларига кўра бир хил бўлмайди, албатта. Уларнинг бири сўз, иккинчиси сўз бирикмаси, учинчиси эса гап, тўртинчиси мураккаб синтактик қурилма, бешинчиси абзац каби категорияларда бўлиши

мумкин. Аммо ана шу категориялардаги ҳар бир компонент синтактик ва семантик фаоллашуви жиҳатидан поғонали муносабатни тақозо этади<sup>5</sup>. Кўйида ана шу масала тавсифига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Матн бир сўз билан ифодаланган бўлса, унда тил бирликларининг поғонали муносабати фонема, морфема ва сўзлар мисолида кузатилади<sup>6</sup>. Масалан, *китобхонларга* сўзи билан ифодаланган матн компонентларининг поғонали муносабатига эътибор берайлик. Бунда 13 фонема ишлатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли морфема таркибида фаоллашмоқда: *китоб +хон+лар+га*.

Мазкур морфемалар эса сўзниң таркибий қисмлари сифатида синтагматик қатор сатҳида фаоллашмоқда.

Матн сўз бирикмаси билан ифодаланган бўлганда ҳам поғонали муносабат юқорида эслатиб ўтилган морфемалар мисолида бўлади, зотан, сўз бирикмаси номинатив бирликни тақозо этади. Агар сўз бирикмасини гапнинг сатҳида ўрганадиган бўлсак, поғонали муносабат сўз бирикмаси ва гап категориялари ўртасида вужудга келади: *Мактабимиз боғи чиройли* (мактабимиз боғи, боғ чиройли). Бироқ бундай вазиятда сўз бирикмаси матн мақомида бўлмайди.

Матн гап билан ифодаланган бўлса, поғонали муносабат сўз ва гап доирасида вужудга келади: *Ўзбекистон – келажаги буюк давлат*. Айни пайтда қўлланилаётган ҳар бир сўз гап таркибида синтактик ва семантик фаоллик олмоқда.

Матн компонентлари гап ёки мураккаб синтактик қурилмалар билан ифодаланганда улар орасидаги поғонали (иерархик) муносабат бирмунча мураккаблашади. Бошқача айтганда, гап мураккаб синтактик қурилма ёки матн таркибида синтактик фаоллик олади. Мураккаб синтактик қурилма эса, ўз навбатида, абзац ёхуд катта матн сатҳида синтактик актуаллик касб этади. Абзацнинг синтактик фаоллиги ҳам, ўз навбатида, ўзидан катта боб ёки матнда таъминланади. Шунинг учун бир боб таркибида ёки бобларга бўлинмаган матн таркибида бир пайтнинг ўзида бир неча абзац синтактик фаоллик олиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Матн компонентлари ва уларнинг таснифи ҳақида.
2. Сўз бирикмаси орқали ифодаланган матнда поғонали муносабатнинг намоён бўлиши.
3. Мураккаб синтактик қурилма, суперсинтактик бутунлик (ССБ) орқали ифодаланган матнда поғонали муносабатнинг намоён бўлиш усуллари.
4. Катта матн таркибида компонентларнинг поғонали муносабати.

<sup>5</sup> **Хайруллаев Х.З.** Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашири, 2008. – Б. 26-48.

<sup>6</sup> **Хайруллаев Х.З.** Тил ва нутқ бирликларининг поғонали муносабати. ДДА. – Тошкент, 2010. – Б. 21-22.

## 11-12-маърузалар

### МАТНДА ГУМОН ОЛМОШЛАРИНИНГ АЙРИМ СЕМАНТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Таянч сўз ва иборалар:** сўз туркуми, мустақил сўз туркуми, олмош, гумон олмоши, сўроқ олмошлари, олмошларда келишик, эгалик, кўплик қўшимчалари, ноаниқлик, гумон маъноси, функционал-услубий хусусият, матнда олмошининг актуализаторлик вазифаси.

Ўзбек тилида гумон олмошлари предмет, белги ёки ҳодиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб, уларга умумий, мавхум (абстракт) ва тахминли ишора қилиши билан характерланади<sup>1</sup>. Гумон олмошлари номаълумликни – сўзловчи шахс, субъект аввал учратмаган ёки тушунтириб бера олмайдиган нарса-ҳодиса тушунчасини билдиради. Гумон олмошлари орасида фаол қўлланувчи қандайдир олмошида ана шу мавхумлик, номаълумликнинг айрим жиҳатлари рўёбга чиқади ёки актуаллашади. Масалан: *Қошлиари бир-бирига туташган, қисилган кўзлари тўрда сурат бўлиб қолган Фазилатга қадалган, лунжлари ичига ботиб кетган қорамтири юзида газаб эмас, йўқ, қандайдир чексиз бир алам муҳрланган* (О.Ёқубов. Диёнат). Келтирилган матн таркибидаги “қандайдир” гумон олмоши жуда ҳам чексиз, поёнсиз ғам-алам билан тўлган қаҳрамон ички дунёсини очишга восита бўлган.

Энди публицистик услуг намунаси бўлган қуйидаги парчага эътиборни қаратайлик: *Кеча кечқурун осмондан қандайдир номаълум жисм учиб тушиди* (“Халқ сўзи”). Бу парчада ифодаланувчи мавхумлик, гумон оттенкаси икки сўзда – ҳам “номаълум” сўзида, ҳам “қандайдир” гумон олмошида оўёбга чиқмоқда. Шу ўринда келтирилган парчада “қандайдир” гумон олмоши ортиқчадек, грамматик плеоназм (ортиқчалик) ҳодисаси содир бўлаётгандек туюлади. Агар биз юқорида келтирилган гапнинг бошқача вариантини ўзаро қиёсласак, матн таркибида “қандайдир” гумон олмошининг функционал ўрни ўз-ўзидан англашилади: *Кеча кечқурун осмондан қандайдир номаълум жисм учиб тушиди // Кеча кечқурун осмондан номаълум жисм учиб тушиди*. Бу парчалар қиёси шундан далолат берадики, “қандайдир” олмошининг матнда қўлланиши билан шу матн ёрдамида ифодаланаётган номаълумлик оттенкаси кучли, таъсирчан тарзда намоён бўлади ҳамда ўша номаъум нарсанинг қандайлигига қизиқиши оттенкаси ҳам рўёбга чиқади. Шунга қўра тилшунос олимлар гумон олмошлари ва бошқа айрим тур олмошлари матнда қўлланилиши билан

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 359; Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-кисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 318 ва бошқалар.

услубий актуализаторлик хусусияти намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқдалар<sup>2</sup>. Шунга кўра, гумон олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари ўрганилаётганда уларни матн таркибидаги бошқа тил бирликлари билан ўзаро уйғунлигини аниқлаш, шу асосда қандайдир, нимадир, қачондир, қаергадир, кимдир сингари гумон олмошлари англатган семантик-услубий оттенкаларни микроматн қуршовида белгилаш лозим бўлади.

Шуни унутмаслик лозимки, гумон олмошларидан матнда фойдаланиш ҳаммавақт ҳам функционал-услубий жиҳатдан кутилган натижани беравермайди, яъни улар орқали оддийгина маълумлик-номаълумлик хусусияти ифодаланади-ю, лекин бу матндан муҳим, эмоционал таъсиричанликни кутиш қийин бўлади. Масалан: *Мен кўчадан нимадир топиб олдим* (Халқ сўзи). Публицистик услугга хос оддий хабар мазмунидаги бу гапда “нимадир” олмоши оддийгина номаълумлик маъносини ифодалашга хизмат қилмоқда. Бу матн таркибидаги гумон олмошидан қўшимча функционал-услубий хосланишни кутиш қийин.

Энди бадий услугга хос қуидаги матнга диққат қиласлилек: *Негадир бурчакка қисилиб, мум тишлаб олган Фазилат ортиқ чидаб туролмади. Бирдан овозининг борича уввос тортиб йиғлаб юборди* (О.Ёқубов. Диёнат). Келтирилган матн бошида қўлланган “негадир” гумон олмоши ўз хатти-харакатидан қаттиқ пушаймон бўлиб, асаблари таранглашган Фазилат ички кечинмаларига ишора қилмоқда. Қахрамон эри Жаббор тирик бўла туриб, Бўрибоевнинг алдовларига учиб, унга тегиб олган, эри фронтдан келганини эшишиб, нима қилишини билмай турган идора ҳисобчиси Фазилатнинг қалб туғёни ифодаланишига “негадир” гумон олмоши актуализаторлик (ишора қилувчилик) вазифасини бажаради. Бундай пайтда гумон олмошларининг матндаги қўшимча маъно хусусияти, услубий жиҳатлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Гумон олмошларидан матнда сўзловчига кўпроқ маълум бўлган предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қўллаш мантиқа тўғри келади. Масалан: *Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишига тўғри келади* (И.Каримов. Ю.м., 18). Келтирилган матнда “қандайдир” гумон олмоши ўзидан кейинги “ноаниқ”, “саёз” каби мавхумликни билдирувчи сўзларни маъно жиҳатдан тўлдириб, услубий жиҳатдан кучайтириб келишга хизмат қилган, яъни бу матнда “қандайдир” гумон олмоши стилистик актуализатор вазифасини бажариб келмоқда.

<sup>2</sup> Сулейманова О.А. Местоименные актуализаторы *весь и целый* в современном русском языке // Филологические науки. 1985. № 4. – С. 18-22; Смирнов Ю.Б. Семантико-функциональные особенности неопределенных местоименных прилагательных // Русский язык в школе. 1985. № 4. – С. 14-16; Ҳамроев М.А. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 51-57.

Шуниси муҳимки, ноаниқлик, гумон маъносини билдирувчи *кимдир*, *нимадир*, *қайсидир*, *қаёқдадир*, *қанақадир*, *қандайдир*, *қачондир* олмошларига келишик, эгалик ва кўплик қўшимчалари –*дир* элементидан олдин қўшилади, бундай грамматик ҳолат ноаниқлик, гумон маъносининг матнда кучли тарзда таъкидланишига хизмат қиласди: ...*бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшилиқ бўлмайди.* *Қаердадир* бўшилиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта *кимдир* тўлдиришига ҳаракат қиласди (И.Каримов. Ю.м., 12); *Саид ниманидир* мулоҳаза қилиб, мажслисда Қаландаровга ҳея нарса демади (А.Қаҳхор. Синчалак) кабилар.

Ўзбек тилида гумон олмоши баъзи сўроқ олмошларига “ҳам” ёрдамчисини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади. Шуниси муҳимки, “ҳам” ёрдамчиси сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёки кўмакчилардан кейин қўшилади: *Толибжон нима билан ҳам ўз фикрини исботламоқчи бўлди*, лекин уддасидан чиқа олмади (Саид Аҳмад. Жимжитлик) кабилар.

Ўзбек тилида “биров” сўзи кўпинча гумон олмоши сифатида қўлланилиб, *бегона*, *бошқа*, *нотаниш*, *ноаниқ одам*, *ноаниқ шахс*, аллаким, *кимдир* сингари маъноларини алоҳида таъкид билан ифодалашга хизмат қиласди: – *Томорқани биров кўтариб кетармиди, тураверади-да, - деди кампир ўғли ҳозироқ кетмонни куётариб томорқа томон жўнашидан ҳадиксираётгандек* (Ш.Бўтаев. Даста райхон) кабилар.

Баъзи сўзи кўплик қўшимчасини олган ҳолда гумон олмоши вазифасини бажаришга хизмат қиласди. Аслида “баъзи” сўзи ноаниқ белги, хусусият маъносини билдириб, матн таркибида кўпинча сифатловчи аниқловчи вазифасини бажаради ҳамда бу сўз “айрим” сўзи билан маънодошлиқ ҳосил қиласди. Қиёсланг: *баъзи одамлар // айрим одамлар; баъзи уйлар // айрим уйлар*.

Шундай қилиб, ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмошларига –*дир*, *алла-* элементларини қўшиб ҳосил қилинади, “*биров, бирон, бирор*” сўzlари ҳам гумон олмоши маъносида қўлланилади ҳамда бу олмошлар матн таркибида ноаниқлик, гумон маъноларини кучли таъкид, алоҳида таъкид йўли билан ифодалаб, матнга хилма-хил экспрессив ҳолатларни рўёбга чиқаради, баъзан эса матнда актуализаторлик вазифасини бажаради. Матнда “*бир нима*”, “*қай бир*”, “*баъзи*”, “*баъзилар*” каби сўzlар ҳам ўрни билан гумон, ноаниқлик маъноларини ифодалашга восита бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Олмошларнинг таснифий белгилари ҳақида тушунча.
2. Гумон олмошлари орқали матнда мавхумлик, ноаниқлик, гумон маъноларининг ифодаланиш хусусиятлари.
3. “Баъзи”, “айрим”, “бир нима” каби сўzlарнинг матн таркибида олмош вазифасида қўлланиши.
4. Гумон олмошлари матн таркибида актуализатор сифатида.

## 13-маъруза

### МАТНДА ЖАМЛОВЧИ ОЛМОШЛАРНИНГ АЙРИМ ФУНКЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Таянч сўз ва иборалар:** сўз туркуми, мустақил сўз туркуми, олмош, жамловчи олмош, сўроқ олмошлари, жамловчи олмошларда келишик, эгалик, кўплик қўшимчалари, тўдалик, жамлаш, белгилаш маъноси, функционал-услубий хусусият, матнда жамловчи олмошнинг актуализаторлик вазифаси.

Маълумки, олмошлар от, сифат, сон, равиш сўз туркумлари ўрнида, ҳатто, бир гап ёки матн ўрнида нутқий ихчамлик учун фойдаланиладиган сўзлар бўлиб, улар нутқ жараёнида нутқий алоқа вазифасини бажаради. Олмошларнинг ҳар бир семантик тури матн таркибида нутқий алоқа вазифасини, дейктик (ишора қилиш, кўрсатиш) вазифасини бажаради [ТТИЛ, 74-75]. Олмошларнинг барча семантик турлари услубий жиҳатдан вазифадошлиқ (синонимик) ва таъсирчанлик (эмоционал-экспрессив) ифодасига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Масалан: Ҳаммага яхши маълумки, Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатли мамлакат ҳисобланади. Бу юртда юзга яқин миллат ва элат вакиллари яшайди (Ўзб. овози). Келтирилган матнда иккита олмош тури қўлланган бўлиб, биринчи гап белгилаш олмош “ҳамма” билан бошланган, кириш бирикма таркибида қўлланган бу олмошни унинг вазифадоши “барча” билан алмаштириш мумкин, бундай алмашинув ўша гапнинг эмоционал-экспрессив хусусиятига таъсир этмайди. Матн таркибидаги 2-гап “бу” кўрсатиш олмоши билан бошланган, бу олмош матнда дейктик (ишора қилиш) функциясига эга, шу билан бирга бу сўз матндаги ана шу икки гапни семантик жиҳатдан боғлаш, муносабатга киритиш, уларнинг ўзаро яхлитлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қиласди.

Ўзбек тилига доир дарслик ва қўлланмаларда таъкидланишича, жамлаш-белгилаш олмошлари предмет ва шахсларнинг йигиндисини, тўдасини билдиради ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатади. Шунга кўра жамлаш-белгилаш олмошлари жамлаш ва белгилаш олмошлари деб икки кичик гурухга ажратиб ўрганилмоқда<sup>1</sup>. И.Суяров ўз номзодлик ишида белгилаш олмошларини қуйидагича уч гурухга ажратиб тасниф қиласди: а) умумлаштирувчи-белгилаш олмошлари: ҳамма, барча, бари, бутун,

<sup>1</sup> Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 311; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 311-312; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 232 ва бошқалар.

*тамом, жами, бор; б) яккалик-айириув белгилаш олмошлари: ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай каби; в) қисман-айириув белгилаш олмошлари: баъзи, айрим, бир хил каби.*

Тилшунос олимлар жамлашни ифодаловчи белгилаш олмошларига ҳамма, бари, жами, барча, бутун, ялти каби сўзларни киритадилар. Матн таркибида бу олмошлар қаторида энг функционал жиҳатдан фаоллари ҳамма ва барча олмошларидир.

“Ҳамма” олмоши предмет ҳамда шахслар ўрнида қўлланиб, от характеристида, предмет белгисини қўрсатиб, сифат характеристида келади ҳамда предмет ёки шахслар тўдасини, ёки уларнинг белгисини ифодалашга хизмат қиласди, матн компонентларини мантиқий жиҳатдан боғлаш, муносабатга киритишда асосий дейктик восита саналади: *Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик. Бу мамлакатларнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай огир аҳволга тушиб қолганини ҳаммамиз яхии биламиз* (И.Каримов. Ю.м., 26); *Тарихимиз саҳифалари шундан далолат берадики, юртимиз ривожи ҳамма замонларда ҳам бир текис кечмаган* (И.Каримов. Ю.м., 50); Энг ёмони, бундай хуружларнинг тировард оқибати одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан тонишига, ватанпарварлик туйгуларидан маҳрум этишига ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришига қаратилганида намоён бўлмоқда (И.Каримов. Ю.м., 13) кабилар.

ЎТИЛ-5да қайд қилинишича, “ҳамма” олмоши форсча сўз бўлиб, “шахс, нарса, унинг белгиси, сони ва бошқа хусусиятларини жамлаб ёки ажратиб қўрсатади, шу тарзда белгилайди” [ЎТИЛ-5, У, 500]. Бу луғатда “барча, жами, бутун” олмошларининг “ҳамма” олмоши билан ўзаро синонимик муносабатга киришуви таъкидлаб кўрсатилган [ЎТИЛ-5, У, 500].

“Ҳамма” олмоши матн таркибида от вазифасида қўлланганида эгалик ва келишик қўшимчаларини қабул қилиб, функционал жиҳатдан турли хил синтактик вазифаларни бажаради: *Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашига, мардлик, саҳоват ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишига интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиши қийин эмас* (И.Каримов. Ю.м., 21) кабилар.

Олмошларнинг айримлари ўзаро синонимик уялар ёки қаторларга бирлашади. Лекин ана шундай бир синонимик уя (қатор)ни ташкил этувчи маънодош олмошларни ҳамиша ҳам бири ўрнида иккинчисини алмаштириб қўллаб бўлмайди. Масалан, луғатларда таъкидланишича, ҳамма, барча, бутун, бари, бор, жами, буткул, тамом, бор-йўқ сўзлари бир синонимик қаторни ташкил этади [ЎТСИЛ, 267]. Бу сўзларнинг асосий вазифаси шахс, нарса, белги, хусусият билдирувчи сўзлар ўрнида қўлланиб, умумийлик, жамлик маъносини ифодалашдан иборатдир. Масалан: *Барчамизга гурур ва ифтихор багишлайдиган томони шундаки,*

*бизнинг эзгу интилишиларимиз замарида ҳам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам* (И.Каримов. Ю.м., 172). Келтирилган мисолдаги “барчамизга” белгилаш олмошини юқорида келтирилган сўзлардан фақат “ҳаммамизга” сўзи билан алмаштириб қўллаш мумкин, чунки бундай алмашинув матнда услубий ғализликка олиб келмайди: *Барчамизга (ҳаммамизга) ғурур ва ифтихор бағишлайдиган томони шундаки, бизнинг эзгу интилишиларимиз замарида ҳам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам* (И.Каримов. Ю.м., 172).

Баъзан бир матн таркибида ўзаро маънодош бўлган “ҳамма” ва “барча” олмошлари қўлланади. Бундай қўлланиш такрордан, услубий ғализликдан сақланиш учун хизмат қиласди. Масалан: *Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суюниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мана шундай олижсаноб интилишилар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжасият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз* (И.Каримов. Ю.м., 3).

Баъзан жамлик маъносини қучайтириш учун бир матн таркибида “ҳамма” олмоши тақрор қўлланади ҳамда улар бир-бирини тўлдиришга, эмоционал-экспрессив таъсирини оширишга хизмат қиласди: *Иттифоқо, шу пайт, бозор ёнидан ўтишида ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма жойда ҳозири нозир, лақаби “аёс” – бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб Темур Маликка пешкаш чиқди...* (Мирмуҳсин. Темур Малик) кабилар.

“Жами” // “жамики” олмошлари ҳам кам қўлланса-да, семантик жиҳатдан “ҳамма”, “барча”, “бари”, “бутун” каби белгилаш олмошларига мувофиқ келади: *Жамики* эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир (И.Каримов. Ю.м., 83) кабилар.

Шундай қилиб, кузатишлар шуни кўрсатадики, жамловчи-белгилаш олмошлари ўзбек адабий тилининг барча функционал услублари хос матнларда қўлланиб, хилма-хил функционал-услубий хусусиятларга эга бўлади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбек тилида олмош туркумiga оид сўзларнинг таснифий белгилари ҳақида тушунча.
2. Жамловчи олмошлар орқали матнда тўдалик, жамлик, белгилаш маъноларининг ифодаланиш хусусиятлари.
3. *Ҳамма, барча, бутун, бари, бор, жами, буткул, тамом, бор-йўқ* сўзларининг ўзаро маънодошлик муносабати ҳамда уларнинг матн таркибида жамловчи, белгилаш олмошлари вазифасида қўлланиши.
4. Жамловчи олмошларнинг матн таркибида актуализатор сифатида қўлланиш хусусиятлари.

## 14-маъруза

### БАДИЙ МАТНЛАРДА ЛАҚАБЛАРНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

*Таянч сўз ва иборалар:* ономастика, антропонимика, антропоним, исм, лақаб, тахаллус, интропонимик сериялар, бадиий асарда қаҳрамон исми, бадиий асарда қаҳрамон лақаби, ономапоэтика, исмларнинг функционал-семантик хусусиятлари, лақаблар бадиий матнда услугуби восита сифатида.

Маълумки, тўлақонли бадиий образнинг юзага келишида қаҳрамоннинг портрети, ташқи қиёфаси, нутқи, монолог ва диалоглари билан бир қаторда унинг исми, лақаби ёки тахаллуси ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун жаҳон адабиётининг йирик вакиллари ўз асарлари қаҳрамонларининг исмларига ҳам алоҳида эътибор беришган, қаҳрамонга муносиб исм топиш ўзига хос санъаткорлик белгиси деб баҳоланганд. Улуғ рус ёзувчиси А.П.Чехов қаҳрамон исмининг бадиий асар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, жумладан, шундай деган эди: “фақат асар қаҳрамонларининг нутқларидагина эмас, балки уларнинг исмлари ва фамилияларида ҳам чуқур соддалик вқа ҳаётйлик бўлиши керак. Бинобарин, қаҳрамоннинг номи асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини чуқурлаштириб, унинг миллий руҳини, халқчиллигини кучайтиришда, асардаги образлар ва воқеаларни типиклаштиришда муайян роль ўйнайди”<sup>1</sup>. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий матнда, жумладан, тарихий романларда қўлланган исмлар (антропонимлар)нинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, тарихий романларда, жумладан таниқли ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” романида қўлланган антропонимлар ўша асарда тасвиrlанган XІІ-XІІІ асрлар тарихий воқелигига мос бўлишига эришилган. Мирмуҳсин бу асарида кўпроқ ўша давр, яъни XІІ-XІІІ аср эски ўзбек адабий тилида, туркий халқлар орасида кенг қўлланган киши исмлари, лақаблар ва тахаллуслардан ўринли фойдаланишга интилади.

Ёзувчи “Темур Малик” романи устида ўн йил меҳнат қилган эди (1975-1985). 1985 йилда асар дастлаб “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинди, кейинчалик “Хўжанд қалъаси” номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилганди. Ёзувчи бу асарни қайта ишлаб, унинг кейинги нашрларида асарни “Темур Малик” (“Хўжанд қалъаси”) номи билан нашр этишни маъқул кўрди. Бу асарга сўнгсўз ёзган, тарихчи олим Ҳ.Зиёев тўғри таъкидлаганидек, “романнинг Чингизхон истило қилган жойларда,

<sup>1</sup> Цитата қуйидаги асардан олинди: Қосимов У. Ёзувчининг сирлари (Абдулла Қаххор сабоклари). – Тошкент, 1995. – Б. 56.

хусусан, Ўтрорда, Хўжандда ва Урганчда қилган ёвузликларига бағишланган саҳифалари катта қизиқиш билан ўқилади”<sup>2</sup>.

“Темур Малик” арихий романни матнида бошқа лексик воситалар сингари лақаблар ҳам муҳим тасвирий аҳамият касб этган. Масалан, романдаги асли самарқандлик сардор Муҳаммад Интизом “Мехтар Бодиялдои Самарқандий соний” лақабига эга (Т.м., 107). Ёзувчининг эслатишича, *Мехтар Бодиялдои Самарқандий соний* - жангномалардаги афсонавий айғоқчиларнинг исмлари дидир (Т.м., 107). Шу билан бирга бу айғоқчилар сардорининг “Меҳтарбод”, “камак Кайёний”, “салтанатнинг ўткир ханжари” каби лақаблари ҳам бор: “- Мана ўқинг, азизим. Сиз на *Меҳтарбод ва на Камак Кайёний* экансиз!..” (Т.м., 294).

Асарнинг бош қаҳрамони Темур Малик “Фили Маҳмуд” лақабига эга: “*Темур Малик ибн Маҳмуд* – ўттиз ёшларга борган барваста, елкалари кенг, қўл-оёқлари узун, йўғон овозли киши... Баъзан кулгисини юзидан аниқ сезиб бўлмас, шу сабабли ҳам уни *“фили Маҳмуд”* дердилар – эллик қадамча ердан тегирмон тошини елкада кўтариб келиб, чарх устига ўрнатиб берганидан ташқари, гап кўтатар, ҳар қандай нохуши хабар олдида сачраб кетмас, бўронларга қоядек чидамли эди, *“Фили Маҳмуд”* лақаби ҳам шундан бўлса керак” (Т.м., 5). Романда ана шу лақаб баъзан сўз ўйинига, асқияга асос бўлиб хизмат қиласди:

“ - ...Сизга тенглашолмас эканмен. Бу оғир ходалар *шернинг эмас, филнинг ҳам* (“Фил” сўзи билан у Темур Маликка ишора қилди) юрагини ўйнатиб юборади.

- *Филнинг* ҳам бўладигани бўлди. Юринг, дарёда бир чўмилиб келамиз... (Т.м., 128-129).

Мўғуллар эса Темур Маликни “қора Ирвэс” - “қора Қоплон” лақаби билан юритишиган: “Тунда *қора “Ирвэс”* пайдо бўлиб, посбонларни ечиниб ётган жойида қонга белаб, қилич билан чопиб, найза билан чанчиб... кетиши мўғулларнинг тинкасини қуритди. Улар тун бўйи ухламай *“Ирвэс”ни* кутадиган, пойлаб чиқадиган бўлиб қолдилар” (Т.м., 300) кабилар.

Асарда айрим хотин-қизлар ҳам ўз лақабларига эга. Бу жиҳатдан Хоразмшоҳнинг онаси – Туркон хотун образи характерлидир. У ўта маккор, ўғли – Хоразмшоҳнинг ишига ҳам бўлар-бўлмасга аралашаверадиган аёл бўлиб, асарда у “Худованди Жаҳон”, “Қари тулки”, “Буюк энамиз” лақаблари билан ҳам юритилади: “Султоннинг инъомига сазовор бўлиши ва буни султон ўз қўли билан топшириши - катта воқеа. Хўжандлик Маҳмуд Малик ўғли Темурнинг салтанатга садоқати кейинчалик Хўжандга ҳоким этиб тайинланишига асос бўлган эди. Бу девқомат йигитнинг *“Худованди Жаҳон”* – *Туркон хотунга* итоаткорлиги, унга доимо қўли кўксида, саломини канда қилмаслиги, айниқса, ҳамиша

<sup>2</sup> Зиёев X. “Темур Малик” романни // Мирмуҳсин. Темур Малик. Тарихий роман. – Тошкент, 1985. – Б. 443. Услубий қўлланмада бу романдан олинган мисоллар асарнинг шу нашридан келтирилади, қавс ичидаги Т.м., кисқартмаси билан роман саҳифаси кўрсатилади.

бургутдай чақнаб туриши қаҳри қаттиқ Туркон хотуннинг дикқатини ҳам жалб этган эди” (Т.м., 43); “...Худованди жаҳон – Туркон хотун энамизни “Кари тулки” атамишилар... Хўжанд қалъасини мустаҳкам таъмиrlашидан мақсад Хоразмшоҳга қарши туриши эмиши” (Т.м., 76); “...Шаҳзодадан яширманг, менинг “қисматим”дан хабардор. Зинҳорбазинҳор буюк Энамиз мақсадингиздан воқиф бўлмасун...” (Т.м., 78) кабилар.

Романнинг бир ўрнида Туркон хотуннинг Хоразмшоҳлар давлатидаги улуғлиги рақкоса Нигина бегимнинг ҳатти-ҳаракати билан қиёсланади: “Аёллар ўртасида ҳам “Улуғликда Туркон бўл, эр бағрида Нигинайи жаҳон бўл...” деган гап ҳам юради” (Т.м., 58).

Романда салбий мазмунли лақабга эга бўлган аёллардан бири Бинафша бекадир. Темур Маликнинг хотини Ойчечакнинг канизаги бўлган бу хотин “Қора қанжиқ” – “Олақанжиқ”, “кўрпа тагидаги илон” лақабига эга: “Бинафша бека ҳам Гурганждан Ойчечак билан бирга келган, бу энаганинг ҳам Туркон хотунга алоқадорлигини Темур Малик аллақачон сезган. У ҳамма нарсани кавлаштириб, ҳамма гапга бурнини тиқарди. Шунинг учун бўлса керак, Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний уни “Қора қанжиқ” деб аташарди ўзаро. Темур Малик... Бинафша бека кўрпа тагидаги илон эканини унумасди. Чунки салтанат шаънига тегадиган ҳар бир гап Гурганжга етиб бориши, “Қора қанжиқ” нинг шаҳарда одамлари борлиги Муҳаммад Интизом орқали унга ҳам маълум эди” (Т.м., 75); “Баланд айвон зинасида рўпара келган мўғул қоровули ичкарига кириб, Бинафша бекани бошлиб чиқди. “Олақанжиқ” оқсоқолдан бола топилганини эшишиб, хурсанд бўлганидан йиглаб юборди” (Т.м., 314) кабилар.

Романда “ҳамма жойда ҳозиру нозир” бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг лақаби “аёс” эди: “Иттифоқо, шу пайт бозор ёнидан ўтишда ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма жойда ҳозиру нозир, лақаби “аёс” – бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб Темур Маликка пешкаш чиқди” (Т.м., 10).

Асарда Темур исмли образлар ҳам иккита. Бири – Хўжанд ҳокими, моҳир саркарда Темур Малик бўлса, иккинчиси – хоин, қочоқ Темурдир. Унинг барваста қомати ва исми Темур эканлигига ишониб, Шоҳмурод Кўҳистоний бу барваста йигитни жангчилар сафига қўшади: “Девқомат бўлгани билан палагда тухумдан чиққанлиги... юрагимга шубҳа солган эди. Лаънатининг номи ҳам “Темур”. Шубҳам тўғри – у иблис бўлиб чиқди!” (Т.м., 240); “Ножинс, аттанд қочибди, лекин қўлтимизга тушимай иложи йўқ! Мен бу хоиннинг Афросиёбдек қадду қоматига, муртига қарабману юрагига қарамабман. Кўзим кўр экан. Мен бир чаённи бағримизга олибман...” (Т.м., 240).

Романда мўғулларнинг саркардалари Сўқту нўён ва Улоқ нуён исмлари жуда кўп марта такрорланади, уларнинг ўзларига хос характеристини, жizzакилик, тош бағирлик, ёвузлик, маккорлик,

ишратпарастлик хусусиятларини очиш мақсадида ёзувчи уларнинг ҳар бирига мос мўғулча лақаблардан ҳам фойдаланади. Масалан, *Сўқту нўённинг* лақаби мўғулча “хулгана” (“сичқон”) бўлса, Улоқ нўённинг лақаби “чоно” (“қашқир”)дир: “*Моварауннаҳр тупрогига ўтишда у Хўжсанд, ундан то Ўшу Ўзгангача боришини синалган “цергийи”* (ҳарбий бошлиқ)лари *Сўқту нўён билан Улоқ нўёнларга топшироди.* Уларнинг катта ўттиз беш ёшда, лақаби *“Хулгана”* (сичқон) эди. Юмалоқлиги, тишиларининг ўткирлиги, питирлаб тез юриши сабабли шу лақабни олган бўлса керак. Иккинчиси ўттиз уч ёшда бўлиб, лақаби *“Чоно”* (қашқир), *“Удирдагч”* (йўлбоиши, яъни Чингизхон) бу икки нўёнга *Удегей, Чигатою Ботухондек* эътимод қўйган...” (Т.м., 187) кабилар.

Таниқли ёзувчи Мұхаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогиясининг учинчи китоби - “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романида ҳам айрим антропонимларнинг этимологияси, халқ орасида шундай номланишнинг сабаблари очиб берилган. Масалан, Амир Темур ўзининг севимли набираси Улуғбекка ўз отаси *Мұхаммад Тарагай* номини беради, шундай улуғ номнинг авлодлари орасидан ўчиб кетмаслиги учун шу номни танлаганини, “*Улуғбек*” эса унинг лақаби эканини Соҳибқироннинг қуидаги сўзларидан билиб олиш мумкин:

*“...Набирамизни эски удумларга кўра, отамизнинг исмлари бирлан атагоймиз! Токи ул зот руҳлари шод бўлсун, ҳар лаҳза, ҳар он ёдланиб турсунлар! Бас, унинг номи Мұхаммад Тарагайдур!*

-Бироқ уни чорлагонда табаррук исмни улуғлаб, уринтирмаслик лозим, шу сабабдан лақабини *“Улуғбек”* деб танладук. Оллоҳ таоло анга улуғлик, буюк мартаба ато этсун!” (У.с., Ш, 287)<sup>3</sup>.

Ёки Амир Темурнинг содик дўсти Жаҳоншоҳ ибн Жоку ягона қизига Соғинч бика деб исм қўяди. Бунинг сабаби отанинг қуидаги ички нутқи, ўй-кечинмалари орқали очиб берилган: “*Демак, Соғинч бика жинларга учрамаган... Эҳ, Соғинч, Соғинч! Қайданам сенга шу исмни қўйгон эканмен! Мана энди, сөгинтириб кетдинг!...*” – деб ўйлади хориб-эзилган ота” (У.с., Ш, 266).

Асардаги довюрак, баҳодир йигитлардан бири Аҳий Жаббордир. Шу исм олдидан келтирилган “*аҳий*” сўзига ҳам асарда Айбож ўғлон сўроғига кўра қуидагича изоҳ берилади:

*“- Ёнаяпман, жигарим сув бўлиб оқяпти, оҳ... – мунгсиради оташнок Айбож ўғлон. – Баҳодир жсаноблари... Майлими, сўрасам? Агар... энди-да... оҳ... агар, борди-ю... ўз ичимингизни менга илинсангиз, тирик қолишиим аниқ, йўқ эса ўламен... Қулогимга тушибши эрдиким, битта ноннинг ярмини муҳтоҷсга берганни сахий дерлар. Ўзи оч-у нонни ҳаммасини муҳтоҷсга берганни аҳий деб улуғлайдурлар... Сиз аҳийсиз, аҳий, Аҳий*

<sup>3</sup> **Мұхаммад Али.** Улуғ салтанат. Тетралогия. Учинчи китоб. Мироншоҳ Мирзо. Тарихий роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010. – 416 б. Ишда бу романдан олинган мисоллар асарнинг шу нашридан келтирилди, қавс ичиди У.с., Ш, кискартмаси билан роман сахифаси кўрсатилади.

Жаббор Баҳодир... Жавонмардлардан эканлигингиз ҳақида эшиштөнмен...” (Ү.с., Ш, 259).

Асадаги персонажларга исм танлашда ёзувчининг яна бир маҳорати шунда кўринадики, *Соғинч бика* ўзи заифа бўлса-да, мард, жасур қиз, у ёшлигидан йигитлардек жанг қилишни, от минишни машқ қилган. Шу сабабли ўзига йигитча исм – Арғуншоҳни танлаб, севгилиси Муҳаммад Султонни излаб Самарқанддан чиқиб кетади, унинг қўшинига бориб қўшилади. Ўзини сипоҳи йигитлардай тутиб, ўз муҳаббати учун курашади. Буни Соғинч бика (Арғуншоҳ)нинг Муҳаммад Султонга йўллаган мактубидан ҳам сезиш мумкин: “*Бас... Мактуб битаётғон кимса... Арғуншоҳ, зукко ва ақлли йигит, сипоҳ... Аслида Арғуншоҳ эрмас, йўқ, йўқ, сизнинг суйғонингиз... шундай дея олурменму, авф этгойисиз... бир бечора, шўрлик, ўксиз, афтода, нотавонлар нотавони Соғинч бикадур...*” (Ў.с., Ш, 337).

Асада айрим персонажлар хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳолда уларга исмига алоқадор кинояли лақаблар ҳам тўқилган. Бу эса романнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга хизмат қиласди. Масалан, Соғинч биканинг эркакшода характеристи туфайли уни дугоналари “*Авбош бика*” деб чақиришади. Аслида “*авбош*” эскирган форсча-тожикча сўз бўлиб, “безори, бадкирдор, саёқ” маъноларини билдиради (ЎТИЛ-5, 1, 29): “- *Вой, Соғинч ўлгур, роса ҳаммамизни қўрқитиб юбординг-ку! Қаёққа йўқолдинг? Шундан гапир! Бирор Зарафионга тушиб кетди дейди, яна қочиб кетди дейшишадими-эй...* *Авбош бика* деганлари ҳам бежиз эмас эканда” (Ў.с., Ш, 357). Қизнинг отаси ҳам уни ана шу хусусиятидан келиб чиқиб, “*авбош қиз*” дейди: “...*Орқаваротдан Арғуншоҳ деган йигитни суришитирди, унинг Самарқандга жўнаб кетганини билди. Демак, “авбош” қизи энди Самарқандда экан...*” (Ў.с., Ш, 329). Канизак Сарвиноз ҳам йўқолган Соғинч биканинг топилгани ҳақида қизнинг отаси Жахоншоҳ ибн Жокуга ёзган хатида яна қизнинг “*авбош*” лигини эслатади: “...*Оллоҳнинг инояти бирлан, “авбош” Соғинч бика қизимиз, худога шукур, соғ-саломат уйимизга қайтиб келди!*...” (Ў.с., Ш, 329).

Соғинч бика эса қадрдон дугоналари Зубайдабонуни “войвойхон”, Билқис бегимни эса “думбоққина” лақаблари билан “сийлайди”: “*Илоё, жондай дугоналарим войвойхон Зубайдабону бирлан думбоққина Билқис бегимларга қўчкордай қуёвлар ато этсин...*” (Ў.с., Ш, 357).

Мироншоҳ Мирзо айш-иширатга берилиб кетгани учун ўз атрофидагиларнинг барчасига турли хил лақаблар қўйиб олган эди. Масалан, Абдулмўмин Гўянда яхши рақсга тушгани учун даврдагилар унга “*Сарвиноз*” деб лақаб қўйган эдилар: “- *Сарвиноз!* – амр этди хийла тўлишииб қолган Мироншоҳ Мирзо ҳаллослаб сўрига яқинлашар экан. – Ўйинга-а-а!..

*Қийқириқ қўтарилди.*

*“Сарвиноз”* – Абдулмўмин Гўянданинг даврадаги лақаби. У ўйинни қийворгани, қизлардай эшилиб рақс туша олгани учун шундай лақаб олган.

*Надимларнинг барчасида лақаб бор, чунончи, Хожса Мароғийни “Ўйинчи”, Мавлоно Кўҳистонийни “Раққос”, Ардашер Чангийни “Жилвагар”, Кутбиоддин Нойийни “Шўхий”, Ҳабиб Удийни “Нозича” деб атардилар”* (У.с., Ш, 390).

Соҳибқирон Амир Темурнинг қизи Султон Баҳт бегим эса оиласи ҳаётда нотинчлиги, эри темурийлар давлатига хоинлик қилгани учун ўзини Султон Бадбаҳт бегим деб ҳисобларди. Буни Султон Баҳт бегимнинг ички кечинмалари, ўй-хаёллари тасвири берилган қуйидаги матн ҳам яққол тасдиқлади: “*Сен-чи, Баҳт? – сўради ўзидан ўзи алам гирдобида... – Ҳудо шоҳид, ичингда Амир Шоҳмалик жсанобларини севардинг. Ҳа, севардинг, аммо севгинг учун курашдинг-му?.. Агар курашганингда, анови ер юткур малъун телбанинг қўлида эзилган гулдек хор бўлмасдинг-ку?.. Энди Султон Бадбаҳт бегимга айланиб ўлтирибсен!...*” (У.с., Ш, 370).

Шундай қилиб, бадиий матнларда, жумладан, ёзувчи Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” ва Муҳаммад Алининг “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романларида лақаблар асарда тасвирланган тарихий давр – мўғул босқинчиларига қарши кураш, темурийлар давлатини мустаҳкамлаш даври ҳақида китобхонларга аниқ тасаввур бериш учун хизмат қиласи. Ўзбек бадиий матнида лақабларнинг функционал-услубий хусусиятлари эса маҳсус кузатишлар талаб қиласидаги алоҳида муаммо саналади. Номшунос олимларнинг таъкидлашларига кўра, “ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари орасида лақаб ва тахаллусларни ўрганиш иши алоҳида ўрин тутади. Чунки қадимги даврларга борганимиз сари номлар ва лақаблар орасида фарқ камая боради ва умуман лақабларнинг номдаш воситаси сифатидаги роли орта боради. Умуман лақаб ва тахаллусларни фақатгина номинатив (номлаш) воситаси сифатида ўрганиш етмайди, балки уларни бадиий-услубий восита тарзида тадқиқ қилиш ҳам муҳимдир. Бундай кузатувларда исм, лақаб ва тахаллуслар орасидаги атоқли отларга хос умумийлик ва ўзаро фарқларни очиб бериш алоҳида аҳамиятга эгадир”.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбек тилида антропонимлар ва уларнинг таснифий белгилари.
2. Исмлар, тахаллуслар ва лақабларнинг ўзаро муносабати, уларнинг антропонимлар тизимида тутган ўрни.
3. Антропонимларнинг бадиий матнда вўлланиш хусусиятларини ўрганишнинг аҳамияти.
4. Ўзбек ономопоэтикаси ва унинг асосий муаммолари.
5. Бадиий матнда (“Темур Малик”, “Мироншоҳ Мирзо” тарихий романларида) лақабларнинг функционал-услубий хусусиятлари.

## 15-маъруза

### “МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИДА НУТҚ ДЕРИВАЦИЯСИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ

*Таянч сўз ва иборалар: нутқ деривацияси, операнд, тил ва нутқнинг ўзаро муносабати, нутқий фаолият,*

Маълумки, ҳозирги вақтда жаҳон тилшунослигига инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва унинг реал қўлланиши каби масалаларни ўрганишдек долзарб вазифалар турибди. Бунда асосий эътибор тил системасининг нутқда қўлланилиши ва бу жараёнда жумланинг, жумлалар мажмуасининг нутқий занжир сифатида воқеаланиши, унинг аҳамиятини ўрганиш масаласига қаратилмоқда.

Айтиш лозимки, Ф.де Соссюр таълимотига кўра нутқ билан нутқий фаолият фарқланади, улар муштарак ҳодисалар эмас. Нутқ инсоннинг нутқий фаолияти маҳсулидир. Нутқий фаолият ўта динамик характерга эга, зотан, у инсоннинг жамиятда тутган мавқеи билан, яшаш тарзи билан узвий боғланади. Лингвистика (ўзбек тили) йўналиши бўйича магистратура таълими ўқув дастуридан ўрин олган “Матн тилшунослиги” ўкув предметида худди ана шу масалаларни ҳозирги замон тилшунослиги ютуқлари негизида ўрганиш кўзда тутилган.

Нутқни инсоннинг сўзлашув жараёнида вужудга келадиган яхлитланган тил материали сифатида идрок этамиз. Инсон ўз нутқий фаолиятида тил системасидан фойдаланади. Инсон нутқи тил бирликларининг кесишиш чизиги ҳисобланади ва бунда тил унсурларининг поғонали муносабати вужудга келади<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, тил бирликларининг ҳар бири ўзидан катта бирлик сатҳида қўлланила бошлайди. Ана шу нуқтаи назардан нутқ ҳам динамик характер касб этади.

Инсон нутқининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг боғланишли эканлигидир. Мазкур хусусият нутқнинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи гап, иловали курилмалар, мураккаб синтактик курилмалар, абзац кабиларнинг ўзаро семантик ва синтактик муносабатидан келиб чиқади. Улар ўртасида бундай муносабат бўлмас экан, нутқда ўзаро алоқадорлик, поғонали муносабат ҳам бўлмайди. “Матн тилшунослиги” фани ўрганилаётганда масаланинг ана шу томонлари конкрет мисоллар таҳлили асосида очиб берилиши лозим.

Равшанки, нутқ тил системасининг амалда қўлланилиши обьекти саналади. Шу боис нутқни гап ва ундан катта бирликларнинг мажмуасидан шаклланади дейилса, масала моҳиятига бир томонлама ёндишган бўлади. Чунки инсон нутқи биринчи галда унли ва ундош

<sup>1</sup> Турниёзов Н.Қ. Нутқ лингвистикасига доир баъзи мулоҳазалар // Нутқ лингвистикаси (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Самарқанд, 2006. – Б. 6-7.

товушларнинг ўзаро синтагматик муносабатини тақозо этади. Бироқ айни пайтда “Матн тилшунослиги” курсида асосий эътибор матн ва нутқ деривациясига қаратилгани учун ўқитувчи синтактик структуралар ҳақида ҳам мулоҳаза юритиши лозим бўлади.

Нутқ нафақат тил системаси унсурларининг амалда қўлланилишини, балки сўзловчининг индивидуал тажрибаси ва билимининг ҳам ҳаётга тадбиқ этилишини кўрсатади. Шунга кўра, дарс жараёнида нутқ икки нарсани - тил материаллари ва сўзловчининг уларга муносабатини тақозо этади, деб изоҳланиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳозирги тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири тил билан нутқнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборатdir. Мазкур муаммо талқини барча лингвистик назарияларга асос бўлади. Бу ҳолат синтактик назарияларда янада очиқроқ кўзга ташланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтгача тилшуносларнинг асосий эътибори тил ҳодисаларини ўрганишга қаратилди, нутқ лингвистикаси, матн таркибидаги нутқ бирликларининг деривацион имкониятлари эса олимлар эътиборидан четда қолиб келди. Шу боис ҳозирги пайтда нутқ лингвистикаси масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Тўғри, ўтган асрнинг 50-йилларида мазкур масалага бир гурӯҳ олимларнинг эътибори қаратилган эди. Лекин жаҳон тилшунослигига айрим чалкашликлар келиб чиққанлиги сабабли бу масала тилшуносларнинг илмий ишларида етарли аҳамият касб эта олмади. Масалан, В.Скаличка нутқни стилистик ҳодиса деб тарғиб этган бўлса<sup>2</sup>, Е.Косериунинг тадқиқотларида эса нутқ ўта кенг ҳажмли ҳодиса сифатида изоҳланади ва тил унинг маълум бир қисмига тенглаштирилади<sup>3</sup>.

Кўринадики, тилшуносликда нутқ деривацияси, унинг матни шакллантиришдаги ўрни каби умум-назарий масалаларнинг қандайдир бир қирраси ёритилади, холос. Шунга кўра, бундай қарашларда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Бундай нуқсонлар сирасига тил системасининг нутқда реал қўлланилиши, тил белгиларининг матн таркибидаги ўзаро муносабати каби масалаларнинг назардан четда қолганлигини киритиш мумкин.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, боғланишли нутқ компонентларининг ўзаро синтактик муносабатлари *синтагматик* қаторда воқеланади, яъни матн таркибида нутқ парчалари бир-бири билан кетма-кет боғланади. Бунда уларнинг семантик ҳолати ҳамда синтактик салмоғи бир хил даражада бўлиши шарт эмас.

<sup>2</sup> Бу хақда қаранг: Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. – М.: Иностранная литература, 1962. – С. 58-64.

<sup>3</sup> Турниёзов Н.К. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1990; Залевская А.А. Некоторые проблемы теории понимания текста // Вопросы языкознания 2002. № 3.

Сўзлашув жараёнида сўзловчининг зиммасига матн ёки нутқнинг тўғри ва равонлигини таъминлаш вазифаси юклатилади. Акс ҳолда тингловчи учун хабар мазмунида нуқсонлар рўй бериши мумкин. Шу билан бирга, сўзловчи ва тингловчи мулоқотида уларнинг ижтимоий ҳолатлари ҳам муҳим мавқега эга бўлади. Масалан, тилшунос билан космонавтнинг ёки кимёгар билан денгиз ишчисининг нутқий мулоқотларида нутқ компонентларини мукаммал қўлланилади деб бўлмайди. Шунинг учун нутқнинг бенуқсон бўлишини фақат локал боғлиқлик ҳамда глобал ҳолатда, яъни нутқ парчаларининг умумий алоқаси билангина изоҳлаб бўлмайди. Бунда сўзловчи билан тингловчининг умумий тайёргарлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Туб структура – бу энг кичик (минимал) семантик структура бўлиб, у ҳар қандай хабар ифодасини берувчи нутқ бирлигининг шаклланишида муҳим аҳамиятга ега бўлган *базал* (*базавий*) структурани тақозо этади. Ана шу базал структура асосида нафақат маълум бир гап, балки мураккаб синтактик қурилмалар, абзацдан тортиб макроматнгача бўлган нутқ парчалари шаклланиши мумкин. Буларнинг барчаси синтактик деривация назариясига асосланади, зотан, ҳар бир шаклланишнинг охирги натижаси дериватни (ҳосилани) тақозо этади.

Сўз бирикмалари, шубҳасиз, синтактик деривация маҳсули ҳисобланади ва боғланишли нутқда, матнда маълум бир гап доирасида шаклланади. Бундан, албатта, мустақил матн ҳолида қўлланилган сўз бирикмалари мустасно. Чунки улар гапдан ташқарида воқеланади.

Сўз бирикмасининг хомашёси сифатида икки (баъзан бир неча) операнд қатнашади ва улар деривацион муносабатга реал оператор, белгисиз оператор ёки нол оператор воситасида киришади:

1. Символ дружбы. 2. Мустақиллик пойдевори. 3. Дўстлик таянчи.

Келтирилган мисолларнинг биринчи ҳам, иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам икки операндли бўлиб, биринчисида реал оператор – **ы**, иккинчиси ва учинчисида белгисиз қаратқич келишиги ҳамда эгалик қўшимчаси иштирок этмоқда.

Деривацион жараёнда синтактик структураларнинг шаклланиши учун оператор муҳим мавқега эгадир. У матнларни шакллантиришда турли хил воситалар ёрдамида ифодаланади. Масалан, предлог, teng ва эргаштирувчи боғловчилар, қўмакчилар, келишик аффикслари ана шундай воситалардан ҳисобланади.

Шунга алоҳида аҳамият бериш керакки, матн таркибида синтактик структураларнинг кичиги нисбатан катта структура сатҳида фаоллик олади. Шу боис гап ўзидан кичик бирлик - сўз бирикмасининг деривацион жиҳатдан фаоллик олиши учун ҳам асосий синтактик майдон ҳисобланади. Гапнинг синтактик шаклланиши эса матн таркибида рўй беради. Бунда “Матн тилшунослиги” фанидан дарс берувчи ўқитувчи микро – ва макроматларни фарқлашгага алоҳида аҳамият бериши лозим. Ҳар қандай катта матн ўзидан кичик матнларга нисбатан макроматн

саналади. Шунинг учун абзацни мураккаб синтактик қурилмалар учун макроматн тарзида, бобни абзац учун макроматнлар тарзида ўрганиш яхши самара беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Нутқ тил системасининг амалда қўлланилиш обьекти сифатида.
2. Деривацион жараёнда матн таркибида синтактик структураларнинг шаклланиш омиллари.
3. Матн таркибидаги нутқий парчаларнинг бир-бiri билан кетмакет (парадигматик) боғланиши ҳақида тушунча.
3. Туб структура ҳар қандай хабар ифодасини берувчи нутқ бирлиги сифатида.
4. Матн таркибида синтактик структураларнинг кичиги нисбатан катта структура сатҳида фаоллик олиш жараёни.

## **16-маъруза**

### **“МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ” ФАНИДА КОГНИТИВ ТАХЛИЛ ВА ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*Таянч сўз ва иборалар: воқеликнинг лисоний ва когнитив идроки, концепт, гештальт, скрипт, фрейм, спенарий каби когнитив ҳодисаларнинг матн билан муносабати концепт турларининг ўзбек матнларида ифодаланиши усуллари, матнда параметрлаш ва оптималлаштириши усуллари, дейксис ва дейктик ибораларнинг матн таркибида намоён бўлиши.*

“Лингвистика” (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича таълим олаётган магистрларга 2000 йилда “Матн тилшунослиги” фани киритилган эди. Шундан кейин бу фандан маърузалар матни ва услубий қўлланма тузиб нашр этилди<sup>1</sup>. Бу ишларда “Нутқда тилнинг қўлланилиши ва матн тилшунослиги”, “Матн тилшунослигининг ўрганилиш тарихи”, “Ўзбек тилшунослигига аин ва уни ўрганиш муаммолари”, “Матн ва унинг компонентлари”, “Матн компонентларининг поғонали муносабати”, “Матн ва нутқ деривацияси”, “Микро ва макроматн муносабати”, “Матн ва нутқ деривацияси”, “Матн тилшунослиги ва диалог муаммоси”, “Матн структурасининг синтагмаларга бўлиниши” каби мавзуларни ўрганиш кўзда тутилган. Лекин ҳозирги кунга келиб, матн тилшунослигининг тадқиқот доираси янада кенгайди. Шунга кўра шу фан бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури таркибига матннинг когнитив тилшунослиги билан муносабати ҳамда матн ва прагмалингвистика муаммоларини ўрганишни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. Маърузалар матни. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 86 б.; Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 96 б.

Бу ўринда дастлаб когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари, “Когнитив тилшунослик” тушунчасининг моҳияти ва унинг матн тилшунослиги билан алоқадорлиги муаммоси ўрганилиши лозим. Шундан кейин когнитологиянинг таянч нуқтаси ва матн турлари, когнитив фонология ва унинг матнни ўрганишдаги ўрни ҳақида магистрантларга маълумот бериш яхши самара беради. “Матн тилшунослиги” фанига доир кейинги машғулотларда воқеликнинг когнитив ва лисоний идроки жараёнида грамматик тизим бирликларининг ўрни, воқеликнинг мияда акс этиши ва унинг матннаги ифодаси муаммолари ҳам ўрганилиши мақсадга мувофиқдир<sup>2</sup>.

“Матн тилшунослиги”га доир машғулотларда “концепт” тушунчасининг моҳияти ва унинг матн тилшунослиги билан алоқадорлиги. “Бахт ва бахтсизлик”, “акл ва ақлсизлик” концептларининг ўзбек матнларида ифодаланиш усуслари ҳам ўрганилиши керак.

Шу билан бирга когнитологиянинг асосий тушунчаларидан бўлган “сценарий”, “скрипт”, “фрейм”, “гештальт” кабиларнинг моҳияти ва уларнинг матн билан алоқадорлиги, лисон ва маданиятнинг ўзаро муносабати, унинг матннаги инъикоси, тил ва маданият ўртасидаги муносабатнинг изоморфлиги, детерминизми, уларнинг матннаги ифодаси. Э.Сепир-Б.Уорф фарази, унинг тил ва маданият ўртасидаги муносабатни ўрганишдаги аҳамияти масалалари ҳақида магистрантларга етарли маълумотлар берилиши зарур<sup>3</sup>.

“Матн тилшунослиги” фани бўйича машғулотларда матннинг прагмалингвистик таҳлили масалалари, “прагматика” тушунчасининг моҳияти ва унинг матн билан муносабати муаммоларини ўрганишни режалаштириш лозим<sup>4</sup>.

Шу билан бирга матнни ўрганишнинг коммуникатив-прагматик ўналиши ва унинг асосий муаммолари, матнни шакллантиришда параметрлаш ва оптималлаштириш усусларининг роли, Н.Хомский таълимоти ва унинг матнда лисоний қобилиятнинг ўрнини ўрганишдаги аҳамияти, билвосита нутқий мулоқот ва матннинг семантика ҳамда прагматикага муносабати, билвосита нутқий актларнинг ифода ва мазмун жиҳатдан турлари, уларнинг матн билан алоқадорлиги, нутқий акт назарияси ва матнда коммуникатив мақсаднинг ифодаланиш йўллари, нутқий акт мазмунининг шаклланиши ва унинг матннаги инъикоси каби қатор масалаларни ҳам “Матн тилшунослиги” фанида ўрганиш мақсадга мувофиқ<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – Б. 7-18.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – Б. 47-53; Мирзаев И., Омонтурдиев А. Когнитив тилшунослик ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон: АДУ нашри, 2010. – Б. 8-11.

<sup>4</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 12-33.

<sup>5</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 52-106.

Ҳозирги замон назарий тилшунослигининг ривожланиш жараёнидан келиб чиқсан ҳолда “Матн тилшунослиги” фанида магистрантларга дейксис ва нутқий мулоқот матни, матнда мазмуннинг ифодаланиш йўллари, матнда мантиқий ва лисоний умумлаштириш, унинг дейксис билан муносабати, дейктик иборалар ва уларнинг бола нутқида матнни шакллантиришдаги ўрни, шахс дейксиси ва унинг матнни шакллантириш имкониятлари, макон ва замон дейксислари, уларнинг матнни шакллантиришдаги ўрни, эмоционал дейксис, социал дейксис ва граудонимия (даражаланиш)нинг матн таркибидаги ўзига хос белгилари ҳам ўрганилиши зарур<sup>6</sup>.

Умуман олганда, “Матн тилшунослиги”да нутқий мулоқот тизими, дискурснинг матннинг таркибий қисми сифатидаги тузилиши ва унинг компонент таҳлили, мулоқот структурасининг таркиб топиши ва бунда дискурснинг матн таркибий қисми сифатидаги ўрни, нутқий мулоқот тизимининг қўп босқичли характеристери ва дискурс ҳамда матн тушунчалари, дискурс лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида ва унинг матн тилшунослигидаги ўрни сингари қатор долзарб прагмалингвистик муаммолар ҳам ёритилиши мақсадга мувофиқ<sup>7</sup>. Бунинг учун, бизнингча, “Матн тилшунослиги” фани бўйича режада қўзда тутилган маъруза ва амалий машғулотлар миқдорини қўпайтириш, шу фан бўйича тузилган намунавий ўкув дастурини қайта ишлаб, тўлдирилган ҳолда нашр эттириш зарур, деган фикрдамиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Матнда концептнинг лисоний воқеланиш жараёни.
2. Сценарий, скрипт, фрейм, гештальт каби когнитив ҳодисаларнинг матн таркибида намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Матнни ўрганишнинг коммуникатив-прагматик йўналиши ҳақида тушунча.
4. Матнда прагматик мазмунни шакллантирувчи воситалар ҳақида.
5. Дейксис ва нутқий мулоқот мазмунининг матнда ифодаланиши.
6. Дискурснинг тузилиши ва унинг матн таркибидаги ўрни.
7. Матнни когнитив-прагматик йўналишда ўрганишнинг истиқболлари ҳақида.

<sup>6</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 124-198.

<sup>7</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий ёти, 2008. – Б. 201-228.

## **“Матн тилшунослиги” фанидан**

### **умумий адабиётлар рўйхати**

#### **1.1. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 40 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

#### **1.2. Асосий адабиётлар:**

4. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 140 с.
5. Залевская А.А. Некоторые проблемы теории понимания текста // Вопросы языкоznания, 2002, № 3.
6. Зарубина Н.Д. Текст: лингвистический и методический аспекты. – М.: Русский язык, 1981. – 112 с.
7. Изенберг Х. О предмете лингвистической теории текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. – М.: Прогресс, 1978. – С. 43-56.
8. Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом // Синтаксис текста (сборник научных трудов), М.: Наука, 1979.
9. Лингвистика текста, материалы научной конференции, часть 1, М., 1974. – 230 с.
10. Матвеева Т.В. Функциональные стили в аспекте текстовых категорий. – Свердловск: Изд-во Уральского ун-та, 1990. – 170 с.
11. Николаева Т.М. Лингвистика текста // Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 267-268.
12. Николаева Т.М. Лингвистика текста. Современное состояние и перспективы // Новое в зарубежной лингвистике, выпуск УШ. – М.: Прогресс, 1978. – С. 5-39.
13. Одинцов В.В. Стилистика текста. – М.: Наука, 1980. – 264 с.
14. Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2003. – 86 б.
15. Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги (маърузалар матни). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2005. – 60 б.
16. Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги (услубий қўлланма). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 96 б.
17. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 216 б.
18. Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000. – 36 б.
19. Баяринцева Г.С. Лингвистический анализ художественного текста. – Саранск, 1980.
20. Безруков В.И. Лингвистический анализ текста. – Тюмень, 1978.

21. Будагов Р.А. В какой мере «лингвистика текста» является лингвистикой? // Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 77-86.
22. Бухбиндер В.А., Розанов Е.Д. О целостности и структуре текста // Вопросы языкознания, 1975, № 6.
23. Гак В.Г. Прагматика, узус и грамматика речи // Иностранные языки в школе, 1982, № 5.
24. Гальперин И.Р. О понятии “текст” // Вопросы языкознания, 1974, № 6.
25. Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.
26. Зильберман Л.И. Структурно-семантический анализ текста. – М., 1982.
27. Йўлдошев Б. Бадий матнларда фраземалардан услубий мақсадларда фойдаланиш // Матн ва унинг лисоний таҳлилига оид тадқиқотлар. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1999. – Б. 8-11.
28. Йўлдошев Б. Ўзбек тилшунослигида матн ва уни ўрганиш муаммолари // Лингвопоэтика, структур филология ва еонгитив таълим муаммолари (халқаро илмий анжуман материаллари). 2-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – Б. 24-28.
29. Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 128 б.
30. Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1982. – 82 б.
31. Йўлдошев Б., Ражабова К. Матн тилшунослиги фани бўйича услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – 108 б.
32. Йўлдошев Б. Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари (услубий қўлланма, 1-қисм). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 117 б.
33. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 160 б.
34. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 124 б.
35. Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2008. – 120 б.
36. Купина И.А. Лингвистический анализ художественного текста. – М., 1980.
37. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Курилович Е. Очерки по лингвистике. – М., 1962.
38. Леонтьев А.А. Высказывание как предмет лингвистики, психолингвистики и теории коммуникации // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979.
39. Лингвистика текста. Материалы научной конференции. Часть 2. - М., 1974. – 212 с.
40. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению, материалы международной теоретической конференции. – Самарканд, 1998. – 254 с.
41. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: «Сов. энциклопедия», 1990. – 685 с.

42. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Л.: Просвещение, 1972. – 272 с.
43. Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. – М.: Наука, 1986.
44. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент, 1989. – 42 б.
45. Матн ва унинг лисоний таҳлилига оид тадқиқотлар. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1999. – 69 б.
46. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2000. - 256 б.
47. Мельчук И.А. Опыт теории лингвистических моделей “смысл-текст”. – М.: Наука, 1974.
48. Москальская Г.В. Грамматика текста. – М.: Наука, 1981.
49. Мухамедова Д. Микроматн ҳақида айрим мулоҳазалар // Тил ва адабиёт таълими. 1998. № 1. – Б. 45-49.
50. Общение. Текст. Высказывание. – М.: Наука, 1989.
51. Предложение и текст: семантика, прагматика, синтаксис. – Л.: Наука, 1988.
52. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. – Л.: Наука, 1983.
53. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – 92 б.
54. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, давлат илмий нашриёти, 2008. – 287 б.
55. Сова Л.З. Аналитическая лингвистика. – М.: Наука, 1970.
56. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971.
57. Тураева З.Я. Лингвистика текста (структура и семантика). – М.: Просвещение, 1986. – 127 с.
58. Улуқов Н. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. НДА. – Тошкент, 1997. – 28 б.
59. Ҳакимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 1994. – 28 б.
60. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДДА. – Тошкент, 2001. – 50 б.
61. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – 168 б.
62. Равшанов М., Шодиев И. Матн лингвистикаси (магистрлар учун услубий қўлланма), Навоий, 2004. – 24 б.

### **1.5. Интернет сайtlари**

1. <http://www.yedu.ru> va <http://www.yedu.uz> – таълим сайtlари.
2. <http://www.yeqworld.ru> – – адабиётларнинг электрон варианtlари.
3. <http://ru.wikipedia.org> – эркин энциклопедия «Vikipedia».
4. <http://www.preodu.net> – – адабиётларнинг электрон варианtlари.

5. <http://www.twirpx.com> – адабиётларнинг электрон вариантлари.
6. <http://www.zivonet.uz> – адабиётларнинг электрон вариантлари.
7. <http://www.allpravo.ru> – – адабиётларнинг электрон вариантлари.

## **1.6. Журналлар**

1. Ўзбек тили ва адабиёти.
2. Тил ва адабиёт таълими.
3. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.
4. Фан ва турмуш.
5. Преподавание языка и литературы.
6. Вопросы языкоznания.
7. Филологические науки.

## **1.7. Моддий-техник ва ёрдамчи воситалар**

1. Кўргазмали плакатлар.
2. Слайдлар дастаси.
3. Компьютер дастурлари: Мапле ва бошқа.
4. Дастурлар пакети, масалан, АНСЙС ва бошқалар.

## **1.8. Педагогик технологияга оид баъзи адабиётлар**

1. Остонов Қ. Янги педагогик технологияларни математика ўқитиши жараёнида тадбиқ этиш усуллари. Услубий қўлланма.– Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.–72 б.
2. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиши технологиялари. - Тошкент, 2001.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, 2003.
4. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Тошкент: Иктисолиёт, 2009.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
6. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
7. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии -2004.- № 4.
8. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: Истебод, 2008. – 180 б.
9. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
10. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши, 2000.
11. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологииларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.

- 12.** Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003.
- 13.** Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
- 14.** Толибов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент, 2006.
- 15.** Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005.
- 16.** Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.
- 17.** Холмухаммедов М.М. ва бошқалар. Таълим педагогик технологиялари. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2005. – 49 б.